

**МУҲАММАД ЗОҲИД ҚЎТҚУ
ИБН ИБРОҲИМ АЛ-БУРСАВИЙ**

МЎЪМИННИНГ СИФАТЛАРИ

Нашрга тайёрловчилар: НОДИРХОН ҲАСАН,
АБДУЛАЗИЗ МУБОРАК

Масъул муҳаррир: Сайфиддин САЙФУЛЛОҲ

Тошкент - 2004

МУҚАДДИМА

Бугунги кунда Имом Бухорий, Имом Термизий ва бошқа муҳаддислар тартиб берган ҳадис китоблари таржима қилиниб, халқимиз қўлига етиб борди ва уларни маънавий баҳраманд этмоқда.

Маълумки, ҳадиси шарифлар кишиларни дунёда ва охираат ҳаётида бахтли-саодатли бўлишлари учун йўл кўрсатувчи чироқ ҳукмидадир.

Ўтмиш тарихимизга назар ташласак, Қуръон оятлари ва ҳадиси шарифлар маънавий ҳаётимизнинг барча қатламларига – маданият, санъат ва адабиётга чуқур таъсир кўрсатганлигини кўрамиз. Зеро, Аҳмад Юғнакий, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий каби қадимги давр адабиёти вакиллари ҳам, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Огаҳий, Фурқат сингари тасаввуф ва мумтоз адабиёт намояндалари ҳам ўз ижодларида ҳадиси шарифларнинг талқини, изоҳ ва шарҳларига кенг ўрин ажратганлар.

Демак, маънавиятимиз сарчашмаларидан хабардор бўлиш маъносида ҳам ҳадиси шарифларни ўқиб-ўрганмоқ, унда дарж этилган мавзу ва масалаларни англаб, идрок айламоқ ҳамда уларни ҳаётга тадбиқ этмоқ бир эҳтиёждир.

Худди шунинг учун ҳам ҳадиси шарифларни турли шаклларда баён қилиш, хусусан қирқта ҳадисни шарҳлаш ва шеърий йўл билан халққа етказиш Шарқда анъана бўлиб келган. Ҳазрати Абдураҳмон Жомий ва ҳазрати Алишер Навоийлар ҳам бу анъанага содиқ қолганлар.

Имом Аъзам мазҳабининг зукко билимдони, нақшбандия тариқатининг муршиди комили, шайх Муҳаммад Зоҳид Қўтқу ҳазратлари ҳам бу йўлдан бориб, мўъмин-мусулмоннинг дину диёнати, ахлоқ-атвори, ҳалол-покизалиги билан боғлиқ қирқта ҳадисни шарҳлаб, “Мўъминнинг сифатлари” номи остида китоб чоп эттирганлар.

Бу асар мўъмин-мусулмонларни ҳалолликка, покликка даъват этиши билан алоҳида эътиборга молик. Унда ҳар бир иймон соҳибининг эга бўлмоғи лозим бўлган сифатлар, хислат ва фазилатлар хусусида атрофлича фикр-қарашлар баён этилган.

Бугунги кун эҳтиёждан келиб чиқиб нашрга тайёрланган бу китоб халқимиз ва ватанимиз фаровонлиги йўлида қўшилган бир улуш дейиш мумкин. Уни ўқиб, баҳолаш эса ўқувчилар ҳукмига ҳавола.

-1-

МЎЪМИН ҲАММАНИНГ ИШОНЧЛИ КИШИСИ

"Мўъмин барча инсонларнинг ишончли кишидир. Тилидан ва қўлидан мусулмонларга зарари етмайдиган киши ҳақиқий мусулмондир. Ёмонликларни тарк этган киши асл муҳожирдир. Нафсим қудрати қўлида бўлган Зотга қасамки, қўшнисига зулм қиладиган киши жаннатга кирмайди".¹

Ҳадиснинг бош қисмида мўъминнинг ишончли киши эканлиги, ундан бошқаларга ҳам моддий, ҳам маънавий зарар этиши гуноҳ эканлиги уқдирилмоқда. Анас ибн Молик разийаллоҳу анҳу ривоят қилган юқоридаги ҳадисга биноан ўзимизни тафтиш қилсак, иймонимизнинг даражаси маълум бўлади.

Ҳадиснинг иккинчи қисмида айтилишича, муҳожир фақат ватанини ташлаб, душмандан қочган одам эмас, балки ёмонликларини тарк этган кишидир. Чунки инсоннинг яшаш жойи ўзгаргани билан ахлоқи, табиати ўзгармайди. Шунинг учун бир жойда яшаб туриб, ёмон хулқларни тарк этишлик муҳожирлик билан тенглаштирилмоқда.

Ҳадиснинг сўнги қисмида эса Пайғамбаримиз қасам ичиб: ***"Нафсим қудрати қўлида бўлган Зотга қасамки, қўшнисига зулм қиладиган киши жаннатга кирмайди"*** деб таъкидлаётирлар. Демак, жаннатга ноил бўлмоқ шартларидан бири қўшнисига бирор жиҳатдан зарар етказмасликдир. Зарар етказадиган киши эса жаннатга – Аллоҳнинг буюк эҳсонига мушарраф бўлмайди. Аллоҳ барчамизни бундай бахтсизликдан асрасин.

-2-

МОЛ ВА ЖОН ОМОНАТИ

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қиладиларки, ***"Инсонлар моллари ва жонларини ишониб топширадиган киши ҳақиқий мўъминдир. Муҳожир хато ва гуноҳлардан йироқ бўлган кишидир"***.²

Мўъмин кишида шундай сифат бўлиши керакки, инсонлар унга моллари-ю жонларини бемалол ишониб топширсинлар. Зеро, Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламни "Муҳаммад ал-амин" - "Ишончли, омонатга хиёнат қилмайдиган Муҳаммад" деб аташган. Демак, бизларни ҳам атрофдагилар ишончли киши деб билишлари керак экан.

-3-

ОЗ ЕЙИШ

"Мўъмин киши бир ичаги тўлгунча овқат ейди, кофир етти ичаги тўлгунча ейди".³

Бу ҳадиси шариф ҳасан ҳадис бўлиб, унинг юзага келишига кўп овқат ейиши билан шухрат қозонган бир киши сабаб бўлган деб ривоят қиладилар. У вақти келиб мусулмон бўлгач, оз емак билан кифояланадиган бўлган экан.

Мўъмин кишининг сифатларидан яна бири унинг қаноаткорлиги ва оз емак билан тўйишидир. Чунки у овқат ейишни "Бисмиллоҳ" билан – Аллоҳ таолонинг исмини айтиш билан бошлайди. Иймон соҳиблари меъдаларини тўлдирмайдилар, кўп ейишга хирс ҳам қўймайдилар. Фақатгина тоат-ибодатларини бажаришга қувват оладиган даражада овқатланадилар, холос. Турфа хил емишлар ва шарбатларга илтифот этмайдилар. Зотан, мўъмин кишига ярашадиган

¹ "Рамуз ал-аҳодис" ҳадислар китоби, 230\3.

² "Жоми ас-сағир" ҳадислар тўплами, 2\157, ҳазрати Фазола ибн Убайд ал-Ансорий разийаллоҳу анҳу ривоят қилганлар.

³ "Рамуз ал-аҳодис" 4\230, Ҳазрати Ибн Умар ва Анас ибн Молик разийаллоҳу анҳумо ривоят қилганлар.

иш ҳам шудир. Кофир эса, ҳирсининг шиддатидан еб тўймайди, тўйса-да қўймайди. Чунки у нафсига асир.

Ҳадисдаги етти рақами кўпликни билдиради. Мўъмин киши эҳтиёж юзасидан, тоат-ибодатга қувват бўлиши учун еб-ичади. Мункир эса шаҳватининг асири бўлиб ейди-ю тўймайди. Мўъмин киши емакка ҳирси йўқлигидан ва танаввулни "Бисмиллоҳ" билан бошлаганидан, таом барокатли бўлади, унга барака киради ва у оз луқма билан қаноатланади. Ҳадисдаги етти рақами орқали тамаъкорлик, таъби бад, ҳасад, семириш, овқатдан лаззатланиш, нафс, кўз, оғиз ҳирслари ва шаҳват каби ҳайвоний сифатлар назарда тутилганлиги эҳтимолдир.

Исломдан бошқа эътиқод ёки тузумларда ҳам кўп овқат ейишлик қораланади. Чунки кўп овқат ейишлик инсонга хос фазилат эмас, балки ҳайвонга хос хусусиятдир. Саййидимиз бўлмиш ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васаллам оз овқат билан қаноатланиш борасида бундай ўғит берганлар: **"Меъданинг учдан бирини овқат, учдан бирини сув, қолган учдан бирини нафас олиш учун бўш қолдир"**.

Мўъминлардан баъзан кўп ейдиганлар топилгани каби, кофирлар орасида ҳам оз ейишга ҳаракат қиладиганлар учраб туради. Аммо куфр аҳли ҳеч вақт эътиқод учун кам емайдилар, уларнинг бу ишлари касаллик туфайли ё семириб кетишдан сақланиш, гўзалликларини сақлаш ёки шунчаки башарий миқёсдаги маданий ўлчовларга риоя қилиш учундир. Қалбида иймонинг ҳаловатини топаман, деган киши эса ҳар бир масалада андозани китоб ва суннатдан олиб, Аллоҳнинг ризоси учун амал қилади. Аллоҳ ҳаммамизга ҳазрати Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам кўрсатган йўлдан юришни насиб этсин. Омин.

-4-

МЎЪМИН МЎЪМИННИНГ КЎЗГУСИ

"Мўъмин мўъминнинг кўзгусидир".⁴

Инсон ўз айбини, ноқислигини ойнада қандай кўрса, мўъмин мўъмин биродари учун ҳам шундай. Ойнага қарамасдан киши юзидаги айбини кўролмаганидек, мўъминлар ҳам ўзаро муносабатлар қурмасалар, бир-бирларидан хабардор бўлолмайдилар. Исломият жамият ҳаёти билан барҳаёт, шунинг учун "дин насиҳатдир" ҳукми барқарордир.

Мўъмин иши ғоят соф ва жозибали бир кўзгу каби бўлиши керакки, шояд унга қараган бошқа мўъминлар ўз айбу қусурларини кўриб, ўзларини тuzатсинлар. Бу ҳам мўъмин кишининг камолотига боғлиқдир. Маънан баркамол бўлмаган жоҳил, хулқи бузуқ кимсалар бундай соф кўзгу бўлолмайдилар. Мўъминар улардан ҳам сабоқ олиб, камолот касб этишлари лозим. Луқмони Ҳакимдан: "Адабни қаердан ўргандинг?" деб сўраганларида: "Адабсиздан" деб жавоб берган экан.

Байт:

*Бу олам бир кўзгудир, ҳар нарса Ҳақ-ла қоим,
Муҳаммад кўзгусидин Аллоҳ кўринур доим.*

Миръоти Муҳаммад - нури Муҳаммад алайҳиссалом демақдир. Демақ, ул зотнинг издошлари Пайғамбаримизнинг хулқлари билан ахлоқланиши керак. Ахлоқи Муҳаммадийга эришмаган қабиҳ табиатли, ҳирсга берилган, ҳасадгўй, жаҳлдор, мутакаббир, худбин, дунёпараст кимсаларнинг Расулulloҳнинг ноиблари бўлишга ҳеч қандай ҳақлари йўқ. Бу муборак мақомни ноҳақ суиистеъмол қилганлар ўзларини унинг халифаси деб эълон қилиб, ўзларини ҳам, бошқаларни ҳам алдайдилар. Мавло таоло жумламизнинг муъинимиз – неъмат ато этувчи мадақкоримиз бўлсин ва бундай сохта ҳоллардан ўз паноҳида асрасин.

"Мўъмин мўъминнинг кўзгусидир. Ва мўъмин мўъминни орқасидан ҳам ҳимоя қиладиган ва уни қўллаб қувватлайдиган биродаридир".⁵

⁴ "Рамуз ал-аҳодис" 230\7; Бухорий, Адаб-ул муфрад, 1\252, 253\238

⁵ "Рамуз ал-аҳодис" 230\8, ровий ҳазрати Абу Ҳурайра разийаллоҳу анҳу.

Сен биродаринг учун бир ойна эканини унутма! У ҳам сен учун ойнадир. Сен ўзингни унда кўрасан. Биродарининг сиймосида кўрган нарсаси (яхшилик ва ёмонлик) мўъминга кифоядир. Биродарингда хайр-яхшилик кўрсанг, у хайр сеникидир. Агар яхшиликдан бошқа бир нарса кўрсанг, у ҳам сеникидир.

Мўъмин мўъминнинг биродари эканлиги муборак Қуръони карим ояти билан собит бўлган. Ислоний биродарлик туғишган ака-ука бўлишдан ҳам қийматлироқдир. Зинҳор биродаринг шаънига ёмон сўз айтма. Хато-ю камчиликлари туфайли унга қора чаплама. Ўз ака-укагни қандай ҳимоя қилсанг, диндош биродаринг шаънини ҳам шундай асра, ҳурмат қил. Доим қўлидан тут. Ёрдамга муҳтож бўлганида ҳолини сенга арз қилишини кутиб турмасдан ёрдам бер. Йўқса катта хато қилган бўласан.

Мўъмин киши биродарига қаерда дуч келса, унинг ҳолини сўрайди. Кези келганда, унинг яқинларини ҳимоя қилади. Шу зайлда биродарининг дунёсини ҳимоя қилар экан, маънавиятини ҳам муҳофаза қилади. Унинг ёмон жойларга боришига йўл қўймайди, гуноҳ ишлар қилишига асло рози бўлмайди. Уни ҳеч вақт ўз ҳолига ташлаб қўймайди. Доим унинг саодати ва омонлиги учун жон куйдиради. У йўқлигида унинг бола-чақасини ҳимоя қилади, таъминлайди.

Ана шу юксак фазилатларга эга бўлган кишигина ҳақиқий ва комил мўъмин бўла олади. Ушбу хусуслар орқали мўъмин кишининг иймони нечоғли мустаҳкам экани билинади. Ҳар биримиз мазкур сифатлар билан сифатлансак, комил мўъмин даражасига етган бўламиз.

-5-

МЎЪМИНЛАРНИНГ ҲАМЖИҲАТЛИГИ

***"Мўъминлар бир-бирига ёпишган иморат кабидир"*⁶.**

Қара, ҳазрати Абу Мусо разийаллоҳу анҳу ривоят қилган бу ҳадисда бино деворлари бир-бирига мустаҳкам ёпишгани каби, мўъминлар ҳам бир-бирларига маҳкам боғланмоқлари лозим эканлиги уқдирилмоқда. Бинони ташкил этган унсурлар орасида тош, темир каби нарсалар бўлганидек, қум ва шиша каби нозик нарсалар ҳам мавжуд. Лекин барчаси биргаликда бинони маҳкам тутиб турибди. Инсонлар, ана шу бино каби жипслашган, бир-бирини суяган бўлишлари керак. Кучлилари доим заифларни суяб турмоғи, улар билан елкадош, ҳамнафас бўлмоғи лозим. Чунки мустаҳкам бўлмаган бинонинг йиқилиши муқаррар, бундан Аллоҳнинг ўзи асрасин.

Ушбу ҳадис мўъминларни жамоа бўлиб яшашга, ўзаро ҳамжиҳатликда умр кечиришга ташвиқ этмоқда. Зеро, инсон ёлғиз ҳаёт кечириши имконсиз. Масалан, бир бурда нонни тайёрлаш, пишириш учун нақадар кўп асбоб-ускуна ва меҳнатга эҳтиёж сезилиши барчага аён. Демак, инсонлар зарар эмас, фойда келтирувчи, хом эмас, пишган бўлиши, ноқис эмас, комил бўлиши лозимдирки, Ислон жамияти кундан-кунга ривожлансин ва юксалсин. Аксинча, ҳар ким ўзи билан ўзи овора бўлиб, заифу мискинларга нисбатан меҳр-муҳаббат бўлмаса, Ҳақ таоло ундан асло рози бўлмайди. Ана шу вақтда қиёмат кўпади, фарёду фиғонлар бошланади. Исёнлар, норозилик чиқишлари, қўзғолонлар ва бошқа фалокатлар рўй беришининг сабабчилари мусулмонликни даъво қилувчи, аслида Ислондан беҳабар бўлган шўрлик гуруҳлардирки, улар аҳли Ислоннинг бошига бало бўлурлар. Мусулмонларнинг таназзулига энг катта сабаб - мусулмонларнинг ҳақиқий мусулмон бўлмай, илм ва давлатларига мағрурланиб, фақирлару заифларнинг ҳақларига риоя қилмасдан, уларга ислоний ва инсоний муомалада бўлмасликларидир. Шу боисдан ҳам улар охират саодатларидан маҳрум бўлгайлар. Агар улар молу дунёларига бу қадар ҳирс қўймасдан, бой-камбағаллигига эътибор бермай, ҳаммалари қўлни қўлга бериб, бирлашсалар эди, бугун мусулмонларнинг қўлини букишга ҳеч ким ботинолмас эди. Парвардигор ҳаммамизни ҳақиқий мусулмонлардан қилсин, омин!

⁶ Рамуз ал-аҳодис 230\10; Бухорий, "Китоби салот", (88) 1\123; Адаб (36).

-6-

ЎЛИМ ВАҚТИДА МЎЪМИННИНГ ҲОЛАТИ

"Ўлим олдидан мўъминнинг пешонаси терлайди"⁷.

Абдуллоҳ ибн Бурайдо оталаридан ривоят қилган бу ҳадиси шарифда айтилишича, мўъмин кишининг ўлар вақтида пешонаси терласа, бу иймонининг нишонасидир. Зеро, қилган гуноҳ ва хатолари бўла туриб, унга жаннатнинг хушxabари келса, уялганидан хижолат тортиб, пешонаси терлайди. Бу унинг комил эътиқод соҳиби эканига далолатдир. Ўша онда кўзларининг ёшланиши ва пешонасининг терлаши унга хушxabар ва раҳмат белгисидир. Аксинча, чўкаётган одамга ўхшаб бўғилиши дуруст эмас, дейдилар.

- 7 -

МЎЪМИН БАРЧА БИЛАН УЛФАТДИР

"Мўъмин киши дўст бўлади ва дўст тугилади. Дўстлаша олмайдиган ва дўст тугилмайдиган кишида хайр-яхшилиқ йўқдир. Инсонларнинг хайрлиси инсонларга фойдаси тегадиганидир"⁸.

Мўъмин киши дўст бўлади ва дўст тугилади. Ёмон одам дўст бўлмайди ва дўст ҳам тугилмайди. Одамларнинг яхшиси одамларга фойдаси кўпроқ тегадиганидир.

Ҳазрати Саҳл ибн Раъд разийаллоҳу анҳу ривоят қилган мазкур ҳадиси шарифда, мўъмин киши ҳамма билан суҳбатдош бўлиши, ҳар тоифанинг вакиллари билан яхши муомала қилиши, бошқаларнинг ҳам у билан дўстлик қилишига имкон яратиши зарурлиги уқтирилади. Чунки мўъмин табиатан киришимли ва гўзал ахлоқ эгаси бўлиб, ҳалимдир, яхшилар билан улфатдир. Иймони тугайли бошқалар ҳам у билан яқин-улфат бўлади. Машаққатларга, жафоларга сабр этади, дарров қаршилиқ қилмайди, авф этади, кечиради. Шунинг учун у билан чиқишиш жуда осондир. Иймонининг заифлиги, ахлоқининг ёмонлиги, табиатининг ҳам оғирлиги тугайли чиқишиш-келишиш имкони бўлмаган, ўзи ҳам бошқалар билан чиқиша олмайдиган инсонларда хайр, яхшилиқ йўқ, деб айтилган. Чунки мусулмонлик дўстлик-яқинлик динидир. Эҳсон ҳасадсиз бўлмайди. Ҳар неъмат эгасининг ҳасадчилари бўлганидек, жамиятда ўзига озор берган кишиларга чидай олмайдиган жанжалкаш, шовқин-суронни хуш кўрадиган кишилар ҳам борки, уларда яхшилиқ йўқдир; инсонга хос камолотга эришмоқ учун маънавиятни қаттиқ тутиб, жаноби пайғамбаримиз саллаллоҳи алайҳи васалламнинг йўлидан юрмоқ лозим.

Бу йўлда ҳасадгўйлар ҳам, душманлар ҳам тез орада дўстлашиб қолади, машаққатли онлари ғоят латиф ҳузур-ҳаловатга айланиб, инсонларнинг дунёси ҳам, охирати ҳам жаннат бўлади.

-8-

РАШК - МЎЪМИННИНГ СИФАТИ

"Мўъмин киши ғайратли-рашкли бўлади. Аллоҳ таоло эса энг ғайратли-рашклидир"⁹.

Мўъмин киши, инсонларнинг энг шарафлиси ва энг аълосидир. Ҳиммат ва ғайрати, ҳамият ва рашки ҳам шу нисбатда кучлидир.

Мўъмин киши ғайрат маҳалида ғайратлидир. Ғайрати Ҳақнинг ғайрат сифатига мувофиқлиги тугайли мўъминнинг бу сифати Аллоҳга ва унинг раҳматига яқинлаштирур. Бу

⁷ "Жоми ас-сағир" 6\9145; Термизий, "Китоби жаноиз" (10) 3\301\982.

⁸ "Рамуз ал-аҳодис" 230\9.

⁹ "Рамуз ал-аҳодис" 230-12, ривоят ҳилувчи ҳазрати Абу Ҳурайра, Жобир ибн Абдуллоҳ, Саҳл ибн Саъд, Ибн Масъуд разийаллоҳу анҳумо.

яқинликка илм (варосат) мақоми дейилади. Бу ғайратга эришган улуғлар орасида мазкур мақом билан боғлиқ кўплаб воқеалар содир бўлган. Шу сабабдан, эркаларнинг аёлларига ва маҳрамларига бўлган раҳми, Ислом қоидаларига мувофиқдир.

Исломнинг ҳар бир амри, беҳисоб ҳикматларга асосланган. Ушбу ҳикматларни билмаслигимиз сабабли, динимизнинг кўпгина амрларига риоя қила олмаяпмиз. Ҳолбуки, уларнинг ҳар бири, бизнинг фойдамиз учундир. Кўрмайсизми, бошқаларнинг далаларига экин экканлар билан мол эгалари орасида қандай катта жанжаллар, тўполонлар бўлади, маҳкама-қамоққача борадилар, бир қанча жиноятларга ҳам сабаб бўладилар. Иффат, албатта, бу билан қиёсланмайди. Зино содир этилганда улуғлардан бири қаттиқ дарғазаб бўлиб, зинокорларнинг дарҳол жазоланишини талаб қилган экан. Бу ғайратнинг даражасини кўрсатади. Зеро, ғайрат дин ва иймондандир.

Ҳазрати Умар-ул Форук разияллоҳу анҳу даврларида Искандария қамал қилинганда, ҳеч ғалаба муяссар бўлмади, натижада аҳволни ҳазрати Умарга арз қилишади, ул ҳазрат текшириб, тафтиш қилиб, лашкарнинг мисвок ишлатмаётганлигини аниқлайдилар ва дарҳол туяларга мисвок юклатиб, уларга юбордилар. Аскарлар мисвок ишлатгач, дарҳол ҳужумга ўтишади, мисрликлар ҳам қаршилик кўрсатмай таслим бўлишади. Суннати санийяни тарк этиш ғалабани кечиктирган бўлса, суннати санийяга маҳкам амал қилиш натижасида Ислом лашкари тезда зафар қозонган. Жаноби Ҳақ бутун уммати Муҳаммадни илоҳий амрларга қатъий амал қиладиган ва Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам суннатларини маҳкам тутадиган бандаларидан қилсин!

-9-

МЎМИН АЛДАНГАНДЕК КЎРИНАР

***"Мўмин киши содда-алданувчан, карамли-марҳаматли бўлади. Фожир киши эса ҳийлакор, паст, хасис ва нокас бўлади"*¹⁰.**

Мўмин киши алданувчи, гўзал хулқли-карамли, эзгулик ва эҳсон соҳибидир. Фожир эса ҳийлакор, пасткаш, хасисдир. Мўмин кишининг яна бир сифати алданувчан эканлиги ва алданганини билса ҳам, билмагандек кўринмоғидир. Мўмин киши фаросатсиз эмас, аслида у алданмайди, лекин зоҳиран шундай кўринади. Атрофдагилар доим уни алдашади. У ҳам барчага алданади. Чунки, ёмонликни билмайди, маккор ва айёр эмас. Чунки покиза, соғлом қалби, иймони уни бундай қабоҳатга қўл уришга йўл қўймайди.

Аммо ҳийла ва фасод қилувчиларга, уларнинг найрангларига қарши муносиб жавоб бериш жоиз бўлса-да, ҳазрати Умар разийаллоҳу анҳу каби бўлмоқ, унинг ҳийласини англамагандек кўринмоқ янада афзалдир. Ҳазрати Умар розийаллоҳу анҳу баъзи мусулмон кўриниб, ҳийла қилганларга, макрларини билган ҳолда, билдирмаслиги туфайли алданар, қилаётган ҳийлалари учун уларни уялтирмас эдилар. Уларнинг ҳақларига дуо қилиб, солиҳ инсон бўлишларини Ҳақ таолодан тиламоқ энг тўғри ишдир.

Иймоний биродарликнинг хусусиятидан яна бири шуки, мўмин киши қаршисидаги инсонларнинг ҳолларига, дунёқарашларига сифатларига қараб муомала қилади. Масалан, бир деҳқонга, ҳунармандга, ишчига, маъмурга ёки аёлларга уларнинг ҳолатларига қараб муомала қилмоқ, ҳаммининг истеъдод ва қобилиятларига қараб сўзлашмоқ ҳам аҳли камолнинг ҳолу ҳаракатларидандир. Жумладан, бир жоҳилга, бир деҳқонга илму мантиқдан, меъморчиликдан, кимё ва бошқа фанлардан сўз очмоқ ўринсиз бўлгани каби, илми баён, фасоҳат ва балоғатдан ҳам гапирмоқ нодонликдир. Демак, ҳар бир инсоннинг ҳолига қараб мулоқотда бўлмоқ, бўёғига қараб бўёқ, сувига қараб сув бермоқ энг гўзал амалдир.

Мўмин киши айни вақтда каримдир-карамлидир. Яъни ахлоқи жуда гўзалдир. Эзгулик ва эҳсон соҳибидир. Гўзал хулқларга эга бўлган кишига карим-карамли дейилади. Фожир

¹⁰ "Рамуз ал-аҳодис" 230-13, Ҳазрати Абу Ҳурайра разийаллоҳу анҳу қилганлар.

(гуноҳкор) эса аксинча фосиқдир. Яъни у ер юзида фасод ишлар билан машғулдир. Мўмин киши эса фасоддан оғиз очишни ҳам истамайди. Чунки иймони бунга йўл қўймайди. Фожир эса хиёнаткор, ёмон ишлар билан шуғулланишни ўзига касб қилиб олган. Зеро, комил ақли бўлмаса ҳам ўзини ақлли санайди.

Ҳадисдаги "ҳаб" калимаси ҳийлакор ва инсонлар орасида фитна-фасод чиқариб, ёмонлик қиладиган кишига нисбатан ишлатилади. Баъзи луғат аҳлининг фикрича, ақлу заковатини фақат дунё ишларига сарфлаган киши охират ишларидан ғофил кишидир. Аллоҳ ҳаммамизни бундай ҳийлакорларнинг ёмонликларидан сақласин, ҳеч кимга озори тегмайдиган ҳақиқий мўмин бандаларидан айласин, омин.

-10-

МЎМИН ҲАМИША ЯХШИЛИК УСТИДАДИР

"Мўмин киши ҳар қандай ҳолатда яхшилик устидадир, ҳатто ўлим кўз олдида турган сўнгги нафасида ҳам. Ва у ҳар қандай ҳолатда Аллоҳга ҳамд айтгувчидир"¹¹.

Мўмин киши сўнгги нафасига қадар ҳамиша яхшиликка интилади. У ҳар қандай ҳолатда Аллоҳга ҳамд айтади.

Мўмин ва муваҳҳид, комил бир мўмин доим хайр-яхшилик пайида бўлади. Чунки мўмин киши яхшиликни севади, доим хайрли ишлар қилади, ёмонликни қатъиян ёқтирмайди. Ишларида ҳам, ниятларида ҳам доим яхшиликни мурод қилади. Ўзига ҳам, бошқаларга ҳам фақат яхшилик соғинади. Сўнгги нафасида ҳам, жонини Мавлога таслим этишда ҳам, Аллоҳ таолога ҳамд айтиб омонатини топширади.

Умр бўйи солиҳ амаллар қилишининг мукофоти ўлароқ, Ҳақ таоло ҳам унга, сўнгги нафасида ҳамд айтишни насиб этгай. Чунки ўлим мўмин кишига бир ҳадядир, неъматдир. Мўмин кишининг зиндони бўлмиш бу ўткинчи дунёдан айрилиб, абадий саодат макони бўлмиш Жаннатга эришуви ва Раббига завқу шавқ, ҳаяжон бирла рўбарў келиши учун ҳеч бир вақт тилидан ҳамду санони қўймайди. Натижада Ҳақнинг жалолу жамолига муваффақ бўлади.

Улуғлардан бир зот ўлим олдидан: "Марҳабо, эй дўстим, менга ғанимат (фурсат) бўлиб келдинг, келишингдан надомат қилганлар, абадий нажот топмаслар" деган ва ҳамд айтиб Ҳаққа қовушган.

-11-

МЎМИН ТАНАДАГИ БОШ КАБИДИР

"Иймон аҳлидан бўлган мўмин киши худди жасаддаги бош кабидир. Бошдаги оғриқни жасад билгани каби, бутун аҳли иймоннинг дардини ҳам мўмин киши билиб туради"¹².

Аҳли иймондан бўлган комил бир мўмин киши худди вужуддаги бош кабидир. Жасад бошдаги оғриқ учун азият чекканидек, мўмин киши ҳам мўмин биродарлари учун азият чекади.

Инсоннинг бошида кўз, қулоқ, оғиз, бурун каби қимматли аъзолар жойлашган. Лекин инсонийлик моҳияти кўз ёки қулоқ билан эмас, балки ақлу заковат, маънавият ва хофиза билан юзага чиқади. Бу эса миядан ўрин олган бир жавҳар бўлиб, Аллоҳнинг инсонга тақдим этган буюк неъматидир. Инсоният ҳануз бунинг ҳақиқатига етолгани йўқ.

Миядаги кичкинагина бир иллат туфайли инсон телбага айланади, ҳайвонлар қилмаган ишларни қилади. Бундай телбаларнинг борар жойлари жиннихонадир.

Эй инсон! Яхшилаб ўйла! Сени йўқдан бор қилган Холиқи зулжалол ҳамма нарсани ғоят

¹¹ "Рамуз ал-аҳодис" 230\14, Ровий ҳазрати Ибн Аббос разийаллоҳу анҳумо.

¹² Рамуз ал-аҳодис 231\1, ҳазрати Саҳл ибн Саъд разийаллоҳу анҳу ривоят этганлар.

гўзал интизом билан яратган. Бунинг кадру қийматини англа! Аллоҳ таолонинг куч-қудратини тани ва белгилаб берган ҳудудларидан четга чиқмасликка ҳаракат қил!

Аҳли иймондан бўлган мўъмин, бошқа бир мўъмин биродари учун қайғуради, унинг ғамига шерик бўлади, дардига даво топишга уринади. Тунларни уйқусиз ўтказди, то биродари қайғудан халос бўлгунга қадар бир тану бир жон бўлиб, бир оила аъзоси каби ёнида чарх уради. Уни ҳар қандай моддий ва маънавий машаққатлардан қутқаришга ҳаракат қилади. Вужуддаги бир хасталик туфайли инсоннинг уйқуси-ороми қочади, бутун жасад касаллик ва алам ичида азобланади. Мўъминлар бир танадаги аъзолар кабидир. Шунинг учун ҳам мўъминга бирор озор етганда бошқалари ҳамдардлик билдиришлари, ёрдам беришлари лозим.

Мўъмин биродари учун азият чекмайдиган, қайғурмайдиган, ўзини ўйлаб, қорни учун меҳнат қиладиган ва атрофидагиларга лоқайдлик билан қарайдиган киши дунёқараши, савияси ҳаминқадар даражадаги мўъминдир.

- 12 -

МЎЪМИННИНГ ОҒИРЛИГИ БИРОВГА ТУШМАЙДИ

"Ҳақиқий мўъмин бировга оғирлиги тушмайдиган кишидир"¹³.

Ҳақиқий мўъмин биродарларига оғирлиги тушмайдиган, заҳмату азияти ва эҳтиёжи оз бўлган кишидир.

Инсонлар доим бир-бирларига муҳтождирлар. Аммо бошқаларнинг ҳожатлари учун чопиб, ўз эҳтиёжини унутмоқ ва уларга оғирлигини туширмаслик амалларнинг афзалидир. Мўъмин биродарларига доим кўп ёрдам беради. Жўмардлиги туфайли чарчаш ва ранжиш нималигини билмайди. Комил мўъмин ҳалим ва мушоҳада мақоми туфайли ғайб нурини кўришга, жаннатнинг жамоли-ю гўзалликларини кўриб тургандек мушоҳада этишга қодирдир. Бунинг баробарида дунёнинг фонийлигини, бутун чиркинликларнинг нима эканини яхши билгани учун дунёвий эҳтиёжларини иложи борича камайтиради. Бировга оғирини туширмасликка интилади. Зеро, дунё роҳатига эришмоқчи бўлса, ҳаром ва шубҳали нарсаларга ўралашиб қолиш эҳтимоли бор. Шунинг учун олди-сотдиларда ҳийла, ёлғон, қасамхўрлик, аҳдга вафосизлик, омонатга хиёнат сингари мусулмонларга ярашмайдиган нопок хислатлардан халос бўлади. Охират учун тоат-ибодатга, зикру фикрга вақт ҳам топади, нафл намозларини ўқийди, рўза тутди, алал-оқибат, борган сари мубоҳ ишлардан узоқлашиб, Аллоҳга қурбати-яқинлиги ошиб бораверади...

- 13 -

МЎЪМИН ХАЛҚ ОРАСИДА ҲАҚ БИЛАН БИРГАДИР

"Инсонларга аралашиб юрадиган ва уларнинг азиятларига сабр қиладиган мўъмин киши, одамларга аралашмайдиган ва уларнинг азиятларига сабр қилмайдиган мўъмин кишидан афзалроқдир"¹⁴.

Инсонлар орасида юриб, уларнинг жабру жафоларига сабр қилган мўъмин киши, жамиятдан четлашиб, узлатда қолган ва қийинчиликларга сабрсизлик қилиб, дод-вой соладиган мўъмин кишидан афзалдир.

Инсонлар томонидан келган мусибатларга сабр этмоқ улуғ амаллардан ҳисобланади. Чунки бу мусибатлар билиб-билмай қилинган гуноҳларга Аллоҳ таоло томонидан мана шу дунёнинг ўзида берилган бир жазо, танбеҳ, хатоларга каффорат, тавба қилишга имконият, гуноҳ ва хатолардан тийилишга бир восита ва сабоқдир. Бу - қалби ҳидоятга мойил бандалари учун Аллоҳнинг улуғ бир инояти. Бу иноятни бой берма. Эртаю кеч ҳамд ва истиғфorni қанда қила.

¹³ "Рамуз ал-аҳодис" 231\4, ҳазрати Абу Ҳурайра разийаллоҳу анҳу ривоят қилганлар

¹⁴ "Рамуз ал-аҳодис" 231\3, ҳазрати Ибн Умар разийаллоҳу анҳумо ривоят этганлар

Инсонлар орасида юрганигда эса чиройли хулқлар намоён қил, барчага ибрат бўл. Гўзалликларга қара, яхши ва Ҳақ сўзларни тингла, ёмон ва ботил гап-сўзлардан йироқ бўл. Доим эзгу сўзни де, ботил хатти-ҳаракатларни асло хаёлингга келтирма.

Замоннинг олими саналса-да, ахлоқан бузук, Аллоҳ таолонинг амрларига бўйсунмайдиган, суннати санийяни маҳкам тутмаган, жамоатга, жамиятга қўшилмайдиган инсонлардан ҳар доим узоқ юриш ва сақланиш керак. Зеро, бундай кишилардан кўп зарарлар келиши мумкин. Ҳар қандай салбий иллат каби ёмон ахлоқ ҳам юқумлидир. Унинг хунук феъл-атворидан баъзилари яхши инсонларга ҳам ўтиб қолади. Масалан, майхўр билан улфат одам, ҳаётида ичмаган шаробни бир кун ичиб қўйиши мумкин. Қиморбозлар, ўғрилар ҳам шундай. Булар бирлан дўстлик қилиш қанчалик ёмон иш бўлса, ҳар қандай бадхулқ эгаси билан дўстлик қилиш ҳам шундайдир.

Бир инсоннинг ким эканини билмоқ учун унинг дўстларига боқмоқ кифоя. Комил, фозил, олим кишилар билан бирга бўлганлар улардан ўрнак олади, аксинча, ароқхўр, қиморбоз, ёлғончи, ўғри, жоҳил кишилар билан улфатчилик қилганларга эса табиийки, "қозоннинг қораси юқади". Шу жиҳатдан бўлса керак, нафл ҳаж нафл садақадан афзал дейилган. Чунки ҳаж вақтида нотаниш кишилар билан шерик бўлади. Улар билан бўладиган турли муомалаларда унинг қанчалик сабру тоқатга эгаллиги аён бўлади.

Мутасаввиф олимлар узлат хусусида турли хил фикр-мулоҳазалар билдиришган. Жумладан, ҳужжатул-ислом Имом Ғаззолий ҳазратлари узлатнинг ҳам фойдалари, ҳам зарарларини батафсил тушунтирганлар. Имом Шофиъий ва Имом Аҳмадлар эса узлатни ёқламаганлар... Аслида, бу нарса инсонларнинг аҳволига қараб белгиланади. Ёлғизликда, Аллоҳ билан мустағрақ ҳолда бўлганларга узлат фойдалидир. Халққа ҳалол ва ҳаромни билдириб турадиганлар учун эса халқ билан аралашиб, бирга бўлиш афзалдир. Чунки пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳазрати Холид ибн Валид, ҳазрати Амр ибн Ос разийаллоҳу анҳумо каби кўплаб саҳобаларга халққа хизмат билан шуғулланишни вазифа этиб тайинлаган бўлсалар, ҳазрати Абу Зарр Фифорий разийаллоҳу анҳу каби баъзи саҳобаларга бунинг аксини тавсия этганлар:

"Эй Або Зарр! Мен сени бир заиф киши сифатида кўрмоқдаман. Ва ўзим учун хуш кўрган нарсани, албатта, сен учун ҳам хуш кўраман. Сен асло икки киши ўртасида амр қилувчи бўлмагин ва етилар ҳаққига асло кўз олайтирмагин"¹⁵. Демак, кишининг ҳолатига кўра ҳаракат қилиш керак бўлади...

Ҳақ субҳанаҳу ва таоло ҳаммамизни авфу мағфират айлосин, Расули акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазратларининг шафоатларига ноил қилсин.

- 14 -

КОМИЛ МЎЪМИН БАЪЗИ ФАРИШТАЛАРДАН АФЗАЛ

"Мўъмин киши Аллоҳ таоло учун баъзи фаришталардан кўра афзалроқдир. Мўъмин киши Аллоҳ таоло учун муқаррабийн фаришталардан ҳам кўра муқаррамроқдир"¹⁶.

Мўъмин киши Аллоҳ таолога баъзи фаришталаридан ҳам кўра ҳурматлироқдир. Мўъмин банда Аллоҳ таолога муқаррабийн-яқин фаришталардан ҳам кўра азизроқдир.

Ҳазрати Абу Ҳурайра ва Анас ибн Молик разийаллоҳу анҳу ривоят қилган бу ҳадиси шариф Аллоҳ таоло комил иймон соҳибларини баъзи фаришталардан-да муқаррам қилганини англатиб турибди.

Зеро, фаришталарда нафс ва шаҳват бўлмаганидек, ҳирс, ҳасад каби хислатлар ҳам йўқ.

¹⁵ Муслим, "Китоби Имора", (4), 3\1457-1458\17, Ҳазрати Абу Зарр Фифорий разийаллоҳу анҳу ривоят қилганлар.

¹⁶ "Рамуз ал-аҳодис" 231\2.

Шайтони лаъин ҳам уларни йўлдан оздиrolмайди. Чунки улар нурдан яратилган. Ҳолбуки, инсон ундай эмас. Инсонни бир тарафдан нафси, иккинчи тарафдан шаҳвати, ҳирси, учинчи тарафдан ҳақ йўлдан адаштиришга, жаҳаннамга етаклашга, Аллоҳдан узоқлаштиришга уринадиган шайтонлар, мунофиқлар, ҳасадгўйлар, кофирлар қамраб олгандир. Улар билан бўлган курашларда ғолиб чиққан банданинг мукофоти, ҳеч шубҳасиз, фаришталарнинг баъзиларидан ҳам мукаррам ва афзал бўлишлиқдир. Шунинг учун Аллоҳнинг хос мўъмин бандалари фаришталарнинг авомидан афзалдир, дейилади.

Ҳасан Басрий қуддисаллоҳу сирруҳу ҳазратлари айтадилар: *"Агар мўъминлар гуноҳ қилмасалар эди, само мулкидаги малоикалар каби учган бўлардилар"*. Лекин Ҳақ таоло гуноҳлари туфайли уларни бундан манъ қилди.

Муҳйиддин ибн Арабий раҳматуллоҳи алайҳ дейдилар: *"Ҳақойиқи олам инсонга оиддир. Инсон оламдан фақат кичиклиги билан ажралиб туради. Бу олам асли икки қисмдан иборат бўлиб, бири камолотни қабул этмагани учун яратилгани бўйича қолган, бири эса камолотни қабул қилди ва бунда Ҳақнинг Жалол ва Жамол сифатлари тажаллий этади, шу боис у Аллоҳ учун ҳар ҳолатда мукаррам ва афзалдир"*.

- 15 -

МЎЪМИН НАСИҲАТГА ҚУЛОҚ ТУТАДИ

***"Мўъмин мўъминнинг биродаридир, ҳеч бир ҳолатда унинг насиҳатини ерда қолдирмайди"*¹⁷.**

Исломда мўъминлар бир-бирлари билан ака-ука каbidирлар. Шундай экан, мўъминлар ўртасидаги ҳақиқий муносабат туғишган биродарлари билан қиладиган муносабати каби бўлиши керак. Ҳатто зиёдароқ бўлиши лозим. Шу сабабдан биродарини севмоқ, унга гўзал муомала қилмоқ, унинг олдида камтар бўлмоқ, ўзининг ва ака-укасининг обрўсини ҳимоя қилгани каби унинг ҳам шарафини ҳимоя қилмоқ мўъминлик, биродарлик шартларидандир.

Бундай биродарлик Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазратлари Мадинага борган вақтларида саҳобаи киром ўртасида тадбиқ этилган. Бундай самимий биродарликни дунё бир маротаба кўрди. Яна бир бор кўриши, балки, фақат жаннатда насиб этар. Чунки бу биродарлик Маккада бор-йўғини қолдириб, фақат Аллоҳнинг розилиги учун ҳижрат қилган маккалик муҳожирлар билан уларни қучоқ очиб кутиб олган Мадина халқи – ансорлар орасида юзага келди. Исломга ёрдам берганлари учун мадиналик мусулмонлар ансор – ёрдамчи дейилди. Мадиналик ансор маккалик муҳожир биродарига бор-йўғини топшириб, ҳақиқий биродарлик муомаласи қилган бўлсалар ҳам, аҳли Макка – муҳожирлар ўзларига кўрсатилган бу инсоний биродарликка миннатдорлик билдириш билан бирга, биродарларига ортиқча юк бўлмаслик учун дарров савдо-сотик билан шуғуллана бошладилар. Бироз вақтдан сўнг эса уларнинг ўзлари бошқа муҳтожларга ёрдам бера бошладилар. Муҳожирлардан ҳазрати Абдурраҳмон ибн Авф (Аллоҳ ундан рози бўлсин) Шом сафаридан келган савдо молларини туялари билан бирга Мадина камбағалларига эҳсон қилганлар.

Маълумки, инсон нуқсондан холи эмас. Аммо мусулмон ўз биродаридаги баъзи камчиликларни шартта юзига солмайди. Балки муносиб бир вақтда муносиб бир забон билан ҳамда танҳо бир жойда айтади ва насиҳат қиладди. Биродарининг хатою камчиликларини ошкор-оммавий айтиш жоҳилларнинг ҳаракатидир. Зеро, бунинг фойдадан кўра зарари кўпроқ бўлади. Чунки ўртада ҳасад, кин-адоват, жанжаллар келиб чиқиши мумкин. Шунинг учун насиҳат қилувчилар, мутлақ танҳо бир жойда, ширин тил билан ўзининг камчиликларини ҳам бироз мисол келтириб, уни ўзидан совутиб, узоқлаштирмайдиган даражада ўгит беришлари лозим. Ҳар ҳолда, барчамиз насиҳатга муҳтожмиз.

Бир-биримизни тўғри кузатган ҳолда тўғри йўлга чақиришимиз ҳам динимиз амри, ҳам

¹⁷ "Жоми ас-сағир" 2\157, Ҳазрати Жобир ибн Абдуллоҳ разийаллоҳу анҳу ривоят қилганлар.

дунёю охиратимизнинг саодати учун зарурдир. Файёзи Мутлақ ҳазратлари ҳаммамизга шундай гўзал хулқ эгаси бўлмоғимизни насиб айласин.

- 16 -

ЭНГ ЗАИФ МЎМИН ҲАМ КОФИРДАН АФЗАЛ

"Мўмин киши дунё амалларидаги хато-камчиликлари учун камситилмайди, камситилишга лойиқ бўлганлар аҳли куфрдир"¹⁸.

Иймоннинг фазилати шу қадар буюкки, унинг таърифига тил ожиз. Қуёш чиққанда юлдузлар ғойиб бўлганидек, иймон нури етган жойда ҳам нур таралади. Мўмин киши катта-кичик гуноҳ ва нуқсонлар содир этса-да, иймони туфайли барибир жаннатга киради ва Ҳақнинг чексиз лутфига муяссар бўлади.

Куфр аҳли эса қанчалик яхши инсон бўлмасин, башариятга электр, радио, телефон, тайёра ва шунга ўхшаш қанчадан-қанча фан-техника ютуқларини тақдим этмасин, иймони бўлмас экан, бу хизматлари қадрсиздир. Чунки Аллоҳнинг наздидаги энг асосий масала иймондир. Яратилишимизнинг ҳам бирламчи сабаби Роббимизни танимоқ, унга ҳеч нарса шерик қилмаслик. Кофир асосий неъмат – мўминликдан маҳрум экан, бошқа ҳар қандай соҳадаги хизматлари Аллоҳнинг даргоҳида мақбул эмас. Жаноби Ҳақ уларга берган етук ақлу заковатни У зотни билишга, танишга ва иймон келтиришга ишлатмас экан, дўзахда чекадиган азоблари икки ҳисса ортиқ бўлади, валлоҳи аълам.

Шунинг учун баъзи куфр аҳлининг хайру эҳсонларига алданиб, уларни мақташ, кўкларга кўтариш кечирилмас гуноҳи азимдир. Кофир бизнинг назаримизда яхши кўрингани билан куфрининг ўзи ёмонлигига етарли далил бўлади. Абадий жаҳаннамда қолишига шунинг ўзи кифоя. Бунга алоҳида эътибор бер ва зинҳор кофир юрган йўлга майл этма! Уларнинг ортидан эргашма. Улар берган бир томчи асалда минглаб оғу заҳарлар борки, таъсири кейинчалик юзага чиқади. Ҳайҳот, сен Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламни яхши таниб ол, у зотни ҳар нарсадан ортиқроқ сев, йўлларида асло айрилма, чунки дунё ва охират саодати у зотга эргашишдадир.

Ушбу жиҳатларга кўра, мўмин киши дунё амалларидаги хато-камчиликлари учун асло камситилмайди. Камситилишга лойиқ бўлганлар аҳли куфрдир. Мана сенга инсоф дарсидан бир сабоқ. Аллоҳнинг ҳақларига ҳамда инсонларнинг ҳақларига риоя қилиш нима эканлигини энди тушунгандирсан. Барча яхши хулқлар мўмин-мусулмонларнинг хатти-ҳаракатларида зоҳир бўлиб, буларнинг акси ёмон ва гуноҳ амаллар эканлиги тобора маълум бўлмоқда. Парвардигори олам барчамизни илмига амал қилувчи иймони комил мусулмонлар қаторига қўшсин.

- 17 -

ОМИ МЎМИН ҲАМ АҚЛИ САЛИМ ЭГАСИДИР

"Мўмин киши жуда ақлдилар, зуккодир, зийрақдир. Мактаб-мадраса кўрмаса ҳам, унинг ақли иймон нури ила ҳар нарсага қодирдир. Айни вақтда қобилиятли, тадбирли, ўз ишининг устасидир. Баъзи докторларни маҳоратли, ўз ишининг мутахассиси деб мақтаганимиздек, мўмин ҳам шундайдир. Фатонат - Қуръоний ва маънавий сирлардан воқиф бўлиш орқали яхши-ёмонни, иймонсизларнинг ақллари етмаган нарсаларни тез фаҳмлайдиган қобилият демақдир. Бу хислат фақат иймон аҳлига хос. Масалан, куфр аҳли ва динсизлар ақл бовар қилмайдиган турли хил илм, санъат ва маҳоратга эга. Аммо, афсуски, ҳақ билан ботилни

Мўмин киши жуда ақлдилар, зуккодир, зийрақдир. Мактаб-мадраса кўрмаса ҳам, унинг ақли иймон нури ила ҳар нарсага қодирдир. Айни вақтда қобилиятли, тадбирли, ўз ишининг устасидир. Баъзи докторларни маҳоратли, ўз ишининг мутахассиси деб мақтаганимиздек, мўмин ҳам шундайдир. Фатонат - Қуръоний ва маънавий сирлардан воқиф бўлиш орқали яхши-ёмонни, иймонсизларнинг ақллари етмаган нарсаларни тез фаҳмлайдиган қобилият демақдир. Бу хислат фақат иймон аҳлига хос. Масалан, куфр аҳли ва динсизлар ақл бовар қилмайдиган турли хил илм, санъат ва маҳоратга эга. Аммо, афсуски, ҳақ билан ботилни

¹⁸ "Рамуз ал-аҳодис" 231\5, Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Масъуд разийаллоҳу анҳу ривоят қилганлар.

¹⁹ "Рамуз ал-аҳодис" 231\14, Ҳазрати Анас ибн Молик разийаллоҳу анҳу ривоят этганлар.

фарқлай оладиган қобилиятлари бўлмаганидан, кўра-била туриб ўз қўллари билан ясаганлари бут-санамларга сиғиниб, урф-одат дея қилган ботил қилмишларини англамайдилар. Улар роҳибларнинг сўзларига алданиб, Аллоҳга ибодат қилиш ўрнига, бутларга сиғинадилар. Бундан ҳам оғирроқ аҳмоқона иш бўладими? Шу боисдан мўмин киши, ўткинчи дунёси учун эмас, балки абадий бўлган охирати учун меҳнат қилади. Охиратини вайрон қилиш эвазига дунёсини обод қилишни хоҳламайди. Бинобарин, мўмин дунё неъматларидан ҳам маҳрум эмас. Кофир дунё учун қулдай меҳнат қилади, елиб-югуради. Бунинг устига охират саодатидан бенасиб қолади. Мўминлар охиратларини хароб қилмаган ҳолда дунё учун ҳам тер тўкиб, уни ҳам обод этадилар.

Мўмин ҳар вақт ҳазир ва ҳушёрдир. Муаммоли, ечими қийин бўлган масала ва ишларни гўзал равишда ҳал қилади. Доим сергак ва тетикдир. Оқибати хунук ишлардан ўзини сақлайди ва узоқ юради. Ақлли, заковатли, зеҳни ўткир, ҳозиржавоб, теран фикрлилик каби хислатларга эгалик ҳақиқий мўминларга хосдир. Саҳобаи киром ва тобеъин даврларида мусулмонлар на саноатда, на савдода, на ҳарб-аскарликда маҳоратлари баланд эди. Аммо у даврнинг энг мукамал олимларига, саноатига, савдо-сотифига ва ҳарбий кучларга эга бўлган Рум императорлиги билан улкан Эрон давлати ушбу мўмин-мусулмонлар қаршисида қандай ожизу нотавон аҳволда қолганлари, таслим бўлганлари, юртларини ташлаб қочганлари айни ҳақиқатдир.

Мўминлар басират кўзи билан боқиб, ишларини соғлом бошқариб, ақл билан ҳаракат қилувчи фаҳм-фаросатли кишилардурки, ғафлат ва тузоққа тушмайдилар. Худди қуш сингари бир донни оғзига олиш учун атрофида душманим йўқми деб бир неча марта бошини кўтариб қарайди. Набиййи муҳтарам (Аллоҳ ул зотга салоту салом ёғдирсин) ҳазратлари умматларини огоҳлантириб: **"Мўмин киши оқибатнинг ёмонлигидан доимо сергак турмоғи лозимдир"** деганлар.

Дайлабий ҳазратлари "Муснади Фирдавсий" асарида бундай ҳадиси шарифни келтирадилар:

"Мўмин кишилар шубҳали нарсалардан қочадилар, сабр қиладилар, шошилмайдилар, чунки шошилиш шайтондандир. Илмли мўминлар ҳам шубҳалардан жуда узоқ юрадилар, қўрқадилар. Мунофиқ эса, тамоман бунинг аксидир, инсонларга доимо зиён етказувчи, ўйлаб-нетмай, давомли ҳаромларга қўл урувчи, тунда ўтин ташийдиганлар каби, қаердан фойда қилиб, қаерга сарфлаётганини ҳисоб-китоб қилмайдиган ва аҳамият бермайдиган кимсадир. Зинҳор сизлар бундайлардан бўлиб қолманглар!"²⁰

Ҳақ жалла жалолуҳу бизларни ўзига хизмат қилдириб, ботилдан узоқ юрувчи бандаларидан қилсин.

- 18 -

МЎМИН СОДДА ВА МУЛОЙИМДИР

"Мўмин киши юмшоқ, мулойим, соддадир. Ҳатто соддалиги туфайли уни аҳмоқ деб ҳисоблайдилар"²¹.

Мўмин киши содда, ҳалим, ҳар нарсани осон ҳал қиладиган, айни вақтда виқор ва сокинлик соҳиби бўлиб, қиладиган ишларида шошқалоқ эмас, етти ўлчаб, бир кесадиған, юмшоқ табиатли, мулойим, жоҳил ва қайсарликдан эса йироқ киши. Дарғазаблик ва қўполликнинг душманидир. Юмшоқлиги ва мулойимлиги учун уни аҳмоқ деб ҳисоблайдилар. Ваҳоланки, мақоми таквинда солиҳ бир бандага ранг баранг тажаллийлар етади ва ҳолати ҳам шунга кўра ўзгариб туради. Мўмин жазба ва сулук ҳолатларида воқеъ бўлган тажаллийларга

²⁰ "Рамуз ал-аҳодис" 231\14, Ҳазрати Анас ибн Молик разийаллоҳу анҳу ривоят қилганлар.

²¹ "Рамуз ал-аҳодис" 231\8, Ҳазрати Абу Ҳурайра разийаллоҳу анҳу ривоят қилганлар.

сабот ила Парвардигорига кўрсатган қуллиги туфайли, илоҳий маърифатга мойил ва шунга кўра ҳаракат қилувчи кишидир. Шунинг учун бир кунда етмиш рангга киради. Воқеъ бўлган тажаллийларга бўйсунди.

Мунофиқда бундай истеъдод бўлмаганидан, тўқсон йил бўлса ҳам, ўша бир хил ҳолда ўзгармай, қайсарлигича қолаверади. Чунки унга тажаллийлар тўсилган, тажаллийни қабул этмайди. Бу тажаллийлардан беҳабар, бечора инсонлар эса буларни билмаганлари ва кўрмаганлари учун мўъминнинг турли вақтда турли даражада бўлишини камчилик деб ҳисоблайдилар. Ҳолбуки, улар қанчалар адашмоқдалар. **"Ҳар куни у (янги бир) ижоддадир"** (Раҳмон сураси 29-оят) ояти каримасидан ҳар он Ҳақ тажаллийсининг ўзгача бўлишини билмоқ кераклиги маълум бўлмоқда.

Биз Ҳақнинг исми шарифларидан фақат тўқсон тўққизтасини биламиз холос. Ҳадди зотини эса ҳеч ким тугал билмайди. Масалан, улуғлар, валийлар мингтасини биладилар. Ҳар бир осмондаги фаришталар эса беш мингтасини биладилар. Қолганини фақат Аллоҳ таолонинг ўзи билгувчидир. Ҳар асмои ҳусна – муборак исмларнинг тажаллийлари, Ғаффор ва Қаҳҳор, Қобиз ва Босит исмларининг тажаллийлари, Ҳофиз, Рофиъ, Муиз исмлари билан Мубдий ва Муид исмларининг тажаллийлари, шубҳасиз, бошқа-бошқадир. Роббимиз барчамизни авф этиб, Ғаффор, Саттор, Раҳмон, Латиф ва Муҳсин сифатлари билан тажаллий топган бандаларидан қилсин.

- 19 -

МЎЪМИННИНГ ТАВБАСИ КЎП

"Мўъмин гуноҳига тавба қилгувчидир. Бахтли киши шундай кишики, тавба қилиб, афсус-надомат чекиб, вафот этади"²².

Мўъмин киши содир қилган ҳар бир хатосига дарҳол афсус чекиб, пушаймон бўлиб, покизаланиб, тавба қилгувчидир. Ушбу хатоларнинг кўплиги, доимий тавба натижасида гуноҳларнинг тўкилишига тўсқин бўлмайди.

Динида маъсиятлар туфайли содир бўлган яра ва йиртиқларни йиртилган либосни тиккандек дарҳол тавбаси билан тикиб, тузатиб, ямоғини солади. Ямоқсиз, йиртиқсиз, тоза ва дазмолланган либос албатта гўзал, аммо кийимлар баъзи сабаблар туфайли йиртилиб, сўкилади. "Йиртилди, сўкилди" деб дарров у кийимни ташлаб юбормаймиз, иложи борича таъмирлаймиз, керак бўлса, ямоқ соламиз ёки тикувчига берамиз. Шунга ўхшаб, гуноҳлар, хато ва камчиликлар ҳам тавбаю тазарруълар билан бартараф этилади.

Инсоннинг қилган ишларини юзига солмоқ тўғри эмаслиги, аввалги ҳадиси шарифларда зикр этилди. Комил зотлар бундай кишиларни умидсизликка туширмайдилар, бахту саодат даражаларидан маҳрум этмайдилар. Шунинг учун бахтли киши тавба қилиб, надомат чекиб, вафот этган инсондир, дейилмоқда. Ҳақ субҳанаҳу ва таоло бизларни ҳам ҳақиқий тавба ва надомат билан, зикру тасбиҳ, қироати Қуръон, намозу ниёз, иймон ва Ислом бирла охиратга рихлат этгучи бандалардан қилсин.

Бир инсон қанчалик кирланса ҳам, кирлиги туфайли инсон қаторидан чиқиб қолмайди. Уни кир-чир инсон дейишади, холос. Аммо қачонки ҳаммомда яхшилаб ювиниб таранса, покиза либослар кийса, эски ҳолатига қайтади ва чиройли бир инсон бўлади. Куфр иш қилмаган бўлса, ҳалолни ҳаром, ҳаромни ҳалол демаган бўлса, мўъмин киши гуноҳлари туфайли дарҳол кофир бўлиб қолмайди. Ҳатто куфрдан қайтиб, тавба қилса, аҳли жаннат бўлиши ҳам мумкин. Бу сабабдан, тажаллийларга эътибор бер, бировга ёмон кўз билан қарама! Инсон ўзининг қай бир тажаллийда жон беришини билолмайди. Оқибати номаълум. Бандаларнинг қалблари ё Жалол, ё Жамол тажаллийлари орасида бўлиб, бу ҳар вақт ўзгариши мумкин. Баъзан Жалол Жамолга, Жамол эрса Жалолга ўзгаради. Шунинг учун ҳаммага яхши кўз билан қарагил!

²² "Жоми ас-сағир" 2\158, ровий ҳазрати Жобир ибн Абдуллоҳ разийаллоҳу анҳу.

- 20 -

МЎЪМИННИНГ ҲАР ҚАНДАЙ ҲОЛИ ФОЙДАДИР

"Мўъмин киши манфаатли кишидир. Унинг ҳар бир иши сенга наф келтиради. Агар у билан маслаҳатлашсанг, сенга нафи тегади. Агар у билан ҳамкорлик-шерикчилик қилсанг, бу ҳам сенга фойда келтиради. Мўъмин кишининг ҳар бир иши ва хатти-ҳаракати манфаатдир"²³.

Мўъмин киши қанчалик фақир ва заиф бўлмасин, у ҳар қандай ҳолда манфаат устидадир. Яъни бошқаларга ҳар томонлама фойдаси тегадиган, лекин ҳеч кимга зиёни етмайдиган кишидир. У бошқаларнинг фойдасини кўзлайди, бошқаларнинг манфаати учун хизмат қилади. Ҳақиқий мўъмин ана шундай бўлиши керак. Бундай кишилар билан сафарга чиқсанг, ундан фақат фойда кўрасан. Сенга асло юк бўлмайди. Ҳақларининг поймол этилишига йўл қўймайди. Агар у билан маслаҳатлашмоқчи бўлсанг, сенга фойдали бўлган фикр айтади. Ўзи қайси ишни тўғри деб билса, сенга ўша ишни ўргатади, сенга фойдали бўлишни хоҳлайди.

Шунингдек, у билан бирор ишда ҳамкорлик қилсанг, тамоман фойда-манфаатга эга бўласан. Ўз ҳаққи билан сенинг манфаатинг учун ҳам ҳаракат қилади. Ҳамкори ёш бўлса, "Унинг пулга эҳтиёжи бор" деб ўз ҳақидан ортиқроқ беради. Агар кекса бўлса, "Бундан буён бу одам ишлай олмайди, унга ёрдам бериш керак", деб унинг учун ҳам ҳимматини аямайди.

Мўъмин киши ҳар жиҳатдан, ҳар нарсада, ҳар соҳада фойда-манфаатдан холи эмас. Мана шундай мўъмин бўла олмоқ давлатини Ҳақ барчамизга насиб этсин.

"Инсонларнинг яхшиси бошқаларга фойдалироғидир", Жобир ибн Абдуллоҳ разийаллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадиси шарифдаги инсонларнинг хайрлиси дегани, етук ва комил бир мўъмин деганидир. Шундай бўлгач, албатта фойдали бир инсон бўлади. Аксинча, инсонларнинг ёмони эса, бошқаларга зарари тегадиганидир

Ҳазрат Вожибул вужуднинг шу қадар кўп тажаллиёти борки, санаб етиш имконсиздир. Шунинг учун ҳар бир инсон Ҳақ таолонинг бошқа-бошқа тажаллийсига муваффақдир. Агар мўъминлар ҳар доим бир тажаллийнинг муяссари бўлсалар, дунёнинг мазаси қолмас эди. Аллоҳ бандаларининг ҳар бирига алоҳида-алоҳида касб-ҳунарларни, савдоларни, билимларни, муҳитларни, шаҳарларни севдириш орқали тажаллийни лутф қилган.

Ҳақиқий мусулмонлар яхши-ёмон, осон-қийин, пуллик-пулсиз ишларда ҳам бирдай ўз ишларини севиб-севиб бажарадилар ва истиқомат қилаётган жойлари-ю ишларидан мамнун бўлавердилар. Ҳатто иссиқ-совуқ муҳитлар, тоғ-адир бўлсин, шу турган жойларига ҳам рози бўлиб, қилаётган ишларида саботли бўладилар. Агар ҳамма бир ҳунар, бир тижорат, бир илмга берилганда эди, доим бир хил иш ёки маслак билан шуғулланганлари учун кўплари бекор қолиб, дунёнинг тараққиёти ва маданияти бугунгидек ҳар соҳада ривожланган бўлмас эди. Демак, барчасида Аллоҳнинг бошқа-бошқа ҳикматлари, тажаллийлари мавжуд, бандасининг вазифаси: ҳар қандай ҳолга рози бўлиб, шукр қилишдир. Яратган Аллоҳ барчамизни Ўзи рози бўлган амалларни бажариш чоғида жон берадиган бандаларидан қилсин!

- 21 -

МЎЪМИН ШИДДАТЛИ ВА ҲИДДАТЛИ ЭМАС

"Мўъминлар юмшоқ табиатли бўладилар. Худди туянинг бўйнига ўхшайдилар. Етакласанг, эргашаверади, тошнинг устига чўктирсанг ҳам, чўкаверади"²⁴.

Юқорида ҳам зикр этилган **"Мўъмин киши юмшоқ, мулойим, соддадир. Ҳатто соддалиги тўфайли уни аҳмоқ деб ҳисоблайдилар"** ҳадиси шарифида тилга олинган мўъминнинг "ҳаййин" ва "лаййин" сифатлари бу ҳадисда жамъ қилиб айтилган. Мўъмин

²³ "Жоми ас-сағир" 2\158, ҳазрати Абдуллоҳ ибн Умар разийаллоҳу анҳумо ривоят қилганлар.

²⁴ "Жоми ас-сағир" 2\158, ҳазрати Ибн Умар разийаллоҳу анҳумо ривоят қилганлар.

кишилар эга бўлмоғи лозим бўлган бу икки сифат: ҳайин – виқорли, сокин, кенг фикрли; лайин – юмшоқ, мулойим, чаққон, сифатлари жуда муҳимдир. Балки, қаттиқлик, шиддат, ҳиддат, ғазаб инсонни баъзи бир орзу-мақсадларига эриштирар, лекин оқибати ёмондир. Чунки барча махлуқотларда бўлганидек, хусусан инсонларда ҳам бундай ёмон феълларга қарши нафрат, адоват бор. Ҳеч ким шиддатга, ҳиддатга дош беролмайди, доимо унга қарши чиқади. Бу сифатларга эга бўлган одамлар туфайли бошқаларга тафриқа, хафагарчилик, жанжаллар, баъзан ўлим ҳам етиб туради. Ҳолбуки, Исломдан, иймондан кутилган нарса бу эмас.

Ислом инсонларнинг бахту саодатини кўзлаган адолатли бир диндир. У жамиятда гўзал ҳаёт кечириш учун лозим бўлган сифатларни тавсия этади. Ўша фазилатлар билан хулқланиб, жаннатга киришни таклиф этади. Табиийки, у жаннатда кўзлар кўрмаган, қулоқлар эшитмаган, хаёлларга келмаган, беҳисоб, битмас-туганмас, эскирмас, бузилмас, ҳар луқмаси, ҳар ютуми ўзгача лаззатларга бой бўлган турфа хил неъматлар бор. Улар ана шу гўзал ахлоқ эгаларига ваъда қилинган. Улар жаннатда абадий, ҳам-ташвишсиз ҳаётга эришгайлар, энг муҳими Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг жамолини кўришга муяссар бўлгайлар.

Турли бало-ю офатлардан, ҳам ташвишлардан иборат бу қисқа ва ўткинчи дунёнинг алдоқчи завқларига берилмай, борлиқ подшоси ва Унинг маҳбуби Расули акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам кўрсатган энг гўзал ва маъқул йўлдан адашмай, сабру тоқат, матонат ила гўзал сифатларни эгаллаб, жаннат ва жамоли илоҳияни мушоҳада этишга умид қилиш ва интилиш лозимдир.

Юмшоқлик, мулойимлик дунё ва дунё ишларига оид, лекин дин ва диний хусусларга муносиб эмас. Инсон дунёси учун юмшоқ бўлиб, лекин дини учун тоғ мисоли мустаҳкам, чўяндек метин, мрамор каби қаттиқ бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам ҳазрати Умар розийаллоҳу анҳу айтибдиларки: *"Мен динда тошдан ҳам қаттиқман"*. Баъзи буюкларимиз айтганлар: *"Тоғларни ўймоқ, тешмоқ, қўпормоқ мумкин, лекин мўъмин кишини динидан заррача ажратиб бўлмайди"*. Бир мўъмин фидокорлик учун молини, ҳатто жонини ҳам берар, лекин динидан ҳеч нарса бермайди.

Юмшоқлик, соддалик, мусомаҳа асосан дунёвий ишларга мувофиқлигини туянинг мисолида кўриш мумкин. Арабларнинг машҳур ҳайвони, жониворлар сараси бўлган туя - фитратан жуда ажойиб яратилган бўлиб, инсонга доимо итоатда. Кўрсатилган жойга чўкади. Нимага ундасангиз, бажаради. Ҳолбуки, бир аравани тахта кўприқдан, лойдан, сўқмоқлардан ўтказиш нақадар қийин иш. Туя эса бошқача жонзот. Шунинг учун мўъмин кишининг ҳоли туяга ўхшатиш мумкин. Қаранг, туянинг оёқлари юмшоқлигидан ерга босилган сайин ёйилади, айниқса қумда қийналмай юради. Бошқа ҳайвонлар бундай эмас. Бунинг устига туя сувсизликка чидамли. Оғир юклар ташийди. Сабру қаноат қилади, шунга қарамай, баҳайбат вужуди озгина емиш билан тўяди. У жуда ақлли ҳайвон, бир марта юрган йўлини эслаб қолади. Маълумки, араб чўлларида ҳали ҳам йўллар қурилмаган. Бугун ҳатто ҳайдовчиларимиз йўлларини йўқотиб қўймоқдалар. Лекин туялар у бепоён чўлларда йўлларини йўқотмай, манзил сари тўғри етиб борадилар. Шу сабабли Қуръони каримда **"Туяга қарамайсизми?"** дея унинг хилқатидаги заковат, сабр-бардош, қаноат ва бошқа ажойиб сифатлари зарбулмасал қилинган.

Аллоҳ мўъминларни энгиллик, юмшоқлик сифатлари билан эслайди. Бу икки хислат ахлоқи ҳасана - гўзал хулқлардандир. Қуръони каримда ҳам бу икки ахлоқ мадҳ этилган. Ҳабиби адиб пайғамбаримизнинг гўзал, юмшоқ муомалалари соясида замонасининг жоҳил ва разил қалбли инсонлари, у зотнинг атрофида жам бўлишиб, иймону Исломга мушарраф бўлишди. Бу дин йўлида ҳатто жонларини фидо этишдан қайтмадилар. Ҳолбуки, агар пайғамбар қаттиқ қалбли бўлса эди, мазкур яхшиликларнинг ҳеч бири содир бўлмаган бўларди. Чунончи, фиръавнлар бошқаларга нисбатан шиддатли бўлганлари сабабли муваффақият қозонолмаганлар, улардан бир неча эҳромлар ва лаънатга сазовор бўлган қисқа тарихларидан бўлак ҳеч қандай мерос қолмаган.

"Нам бўлмаки, қисилгайсан, қуруқ бўлмаки, сингайсан" мисоли каби Луқмони Ҳакимнинг

ўғлига қилган насиҳатидаги "Лаззатли бўлма, ютилгайсан, аччиқ бўлма, отилгайсан" мақолида ҳам ҳикмат бор. Яъни ўта юмшоқлик ҳам, ўта қаттиқлик ҳам мақбул эмас, вазиятга қараб иш кўриш, муносабат билдириш энг тўғрисиدير.

"Амалларнинг энг хайрлиси ўртачасидир" ҳадисидаги қоидага кўра, соғлом ақл эгасига ифрот (ҳаддан ошиш) ва тафрит (лоқайдлик, эътиборсизлик) ҳеч бир ҳолатда, ҳеч бир сўзда ва амалда муносиб эмас. Ҳар ишнинг ўртачаси мақбул ва мақтовга лойиқдир. Мўминдаги юмшоқликдан мурод – ғафлатга қарши ўлароқ, яхшиликка мойи қалб майлидир. Шунинг учун "тобе бўлиш исталганда дарҳол бўйсунди" дейилган. Туяга қаерни кўрсатсангиз, ўша ерга чўқади, бу ўхшатишдан мурод – мўминнинг енгиллик ва юмшоқлик сифатлари назарда тутилмоқдаки, Расулуллоҳ саллаллоҳи алайҳи васалламнинг йўлларига, амр ва қайтариқларига итоат этишда бу хислатнинг нақадар аҳамиятли эканлигига эътибор берсинлар. Парвардигори олам барчамизни ўзига таслим ва итоат этувчи, ўртача йўл тутувчи бандаларидан қилсин, омин.

- 22 -

МЎМИН ВАЗИФАСИНИ БЕКАМУ КЎСТ БАЖАРАДИ

"Мусулмонлар бир жону бир тан кабидирлар. Агар аъзоларидан бирортаси дард чекса, қолган бутун жасади унга бедорлик билан ҳамдард бўлади. Мўмин кишилар ҳам битта вужуд кабидирлар. Агар унинг боши оғриси, ҳамма ёғи оғрийди ва агар кўзи оғриси ҳам унинг ҳамма ёғи дард чекади"²⁵.

Мусулмон киши танасининг ҳаққи ва эҳтиёжларини адо этгани каби биродарларининг ҳам ҳақ-ҳуқуқларига риоя қилиши керак.

Мўмин-мусулмонлар бир-бирларига раҳму шафқат, марҳамат қилишлари, ёрдам беришлари, уларнинг муштарак вазифаларидан бўлиб, бу ёрдам гуноҳ ишларда эмас, балки ҳақ ва иймон йўлида бўлиши лозим, албатта. Касалларни зиёрат қилиш, мўминларнинг жанозаларида қатнашиш, муҳтож мўминларга имкон қадар ҳиммат қўлини узатиш, хизматчисидан тортиб қўни-қўшни, қавму қариндош, ёру биродарлар, ҳатто ҳайвон ва паррандаларнинг ҳам ҳақларига риоя қилиш - мўмин киши тўла-тўқис бажариши зарур бўлган амаллардандир. Чунончи, танамиздаги ҳар бир аъзонинг ўз вазифаси бор. Агар бир аъзо ишдан чиқса, вужуд салкам яроқсиз ҳолга келади. Бир нечтаси ишдан чиқса-чи? Масалан, кўз кўрмаса, қулоқ эшитмаса, қўл-оёқ ишламай қолса, бу вужуднинг не қиймати бор?

Ҳар бир аъзонинг ўзига яраша вазифаси бўлганлигидан бир-бирининг ўрнини босолмайди. Биз бу аъзоларнинг қадрига етиб, ҳақларини адо этмоғимиз, шукрини келтирмоғимиз лозим. Мусулмон кишининг кўз оғриганда малҳам қўйиш зарурати туғилгани каби, бошқа одамларнинг ҳам ҳаққини адо этиш вазифаси бор. Ҳар бир инсон ўзи масъул бўлган вазифасини бекаму кўст бажариши билан жамиятда уйғунлик пайдо бўлади. Акс ҳолда биргина аъзонинг шикастланиши билан тана заифлашгани каби жамият ҳам мутаносибликни йўқотади, заифлашади.

Инсонлар устида вазифани тўғри бажаришга ҳаракат қилиш иймон ва Ислоннинг талабидир. Кексаларни, айниқса ота-онани алоҳида эътибор билан ҳурмат қилиш, кичикларга шафқат, марҳаматини аямаслик, мубоҳ ва гуноҳ бўлмаган хусусларда оқсоқолларга бўйсуниб, ўзаро бирликни сақлаш, ушбу ҳадиснинг талабларидир. Агар жамиятнинг ўзагини ташкил этувчи аъзоларнинг иттифоқи мустаҳкам бўлса, ҳамма бир-бирига инсоний ва биродарлик ёрдам қўлини чўзади, бир-биридан ҳол-аҳвол сўрайди.

Ислоннинг илк даврларида фарзандлар ота ёки она вафот этишини мусибат деб билмас эдилар. Чунки атрофидаги мусулмонлар уларга ёрдам қўлини чўзганлар, лутф-эҳсонлар қилганлар. Улар бу яхшиликларнинг айримларини ҳаёт даврларида, ҳатто ота-оналаридан ҳам кўрмаган эдилар. Мана шу нарса ҳам мусулмонликдаги ўзаро ҳамжихатликнинг ёрқин

²⁵ "Рамуз ал-аҳодис" 236\2; ровий ҳазрати Нўмон ибн Башир разийаллоҳу анҳу.

намунасидир.

Ўзаро меҳру муҳаббат, марҳамат, лутфу эҳсон ва ёрдамлашувнинг ноқислиги Ислом ҳамжиҳатлигининг заифлиги ёки умуман мавжуд эмаслигининг белгисидир. Чунончи, бир бинодаги тош, темир, тахта, қум, цемент ва бошқа моддалар бир-бири билан маҳкам чирмашиб турар экан, бино ҳам мустаҳкам демакдир. Қачонки уларнинг ўзаро боғлиқлигига путур етгудай бўлса, тош, темир, қум бир-биридан ажрала бошласа, у мустаҳкам бино емирилишга юз тутуди. Шунга ўхшаб, мўмин кишилар ҳам бир-бирларидан узоқлашсалар, пароканда бўлсалар, ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлса, ўша бино сингари вайрон бўлади.

Севимли Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг **"Иймон аҳли бир тан, бир жондир"** ҳадиси шарифлари ҳам бунга ёрқин далилдир. Бизлар ўзаро жипслашсак, иттифоқ бўлсак, ана шундагина ҳурриятга, шону шарафимизга эришамиз. Аксинча, иймон ва Ислом бирдамлиги зое бўлса, ҳамма ўз нафсини ўйлайверса, ўзгаларга қул-асир бўлиб, озодлик неъматидан маҳрумлигимизча қолаверамиз. Золимлар бизни инсоний ҳудудлардан чиқиб кетишга мажбур қилади.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадиларки:

"Инсонларга шундай бир замон (охирзамон) келадики, мўмин киши қўйдан ҳам тубанлашади"²⁶. Қўй чўпоннинг қўлида қанчалик забун, маҳқум ва ночор бўлса, мўмин киши ҳам иймон ва Исломнинг ҳақиқатини йўқотдими, бас, онгсиз жонивор-қўйга айланади. Дўстини сўйсалар ҳам, парвойи палак, ўтлаб юраверади.

Азиз биродар! Инсоннинг бир аъзосини бирон сабабдан кесмоқчи ёки жарроҳлик қилмоқчи бўлсалар, хасталанган аъзога оғриқни сездирмайдиган игна урилади. Шундан кейин у аъзо танадаги бошқа аъзолардан бутунлай ажралади, ҳеч бир аъзо унга ҳамдардлик билдирмайди ва ниҳоят кесилади. Ушбу аъзолардаги асаб толаларини ўлдириш билан бадан оғриқ сезмайди. Сизги ҳиссининг ўлдирилиши билан маънавиятнинг ўлдирилиши орасида ҳеч фарқ йўқ. Бири модда билан ўлдирилади, иккинчиси руҳий туйғулар орқали.

Аллоҳ таолонинг борлиги ва бирлигига, китобларига, пайғамбарларига, охират кунига, қайта тирилишга, жаннат ва жаҳаннамга, мезонга, сиротга ишонмаслик, Қуръони каримнинг буйруқлари ва Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннати санийясига эргашмаслик ёки инкор этиш туйғули банданинг руҳи буткул синади. Иймон ва Ислом тушунчаларини идрок этиш шууридан ҳам маҳрум бўлади. Руҳий-маънавий ҳисси тамоман ўлади. Ана шунда қўли ёки оёғи кесилганда оғриқ сезмайдиган беморга айланади. Аллоҳ сақласин! Маълум вақтдан сўнг бемор ўзига келади. Оғриқларни ҳис эта бошлади. Аммо асл руҳиятини йўқотган бечоранинг ўзига келиши, ғафлатни тарк этиб иймонга ёпишиши, ҳаётда кам учрайдиган ўлимдан қутулиб қолган баъзи беморлар кабидир.

Қуръони каримда динсиз, иймонсиз кимсалар энг тубан кимсалар деб сифатланган: **"...Кофир кимсалар жаҳаннам ўтида бўлиб, ўша жойда мангу қолурлар! Ана ўшалар энг ёмон махлуқдирлар"**. Энди бундай бедин, бейймонларнинг орқасидан эргашганларга нима дейиш кераклигини ўзингиз айтинг?

Мўмин-мусулмонлар қанчалик тарқоқ, бир-бирларидан қай даража узоқ бўлмасин, улар барибир яқвужуддирлар. Бир-бирларининг ёрдамига шошиш, бир-бирларини ҳар тарафлама муҳофаза қилиш барча мусулмонларнинг бўйнидаги вазифадир. Бир инсоннинг қўли ёки бошқа жойи кесилса, қаттиқ оғрийдир. Бу оғриқ, кесилган аъзодаги бирликнинг бузилишидан келиб чиқади. Чунки кесилган аъзо иккига бўлинади. Яра битгунга қадар давом этган оғриқ яранинг битиши ва янгидан бирлашуви натижасида йўқолади. Дарҳақиқат, қувват бирликдадир. Чунки Исломнинг асоси яқка эътиқод - тавҳиддир: Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур расулulloҳ. Аллоҳ таоло барчамизни бу йўлдан адаштирмасин!

²⁶ "Жоми ас-сағир" 2\178, Ҳазрати Анас ибн Молик разийаллоҳу анҳу ривоят қилганлар.

КУЧЛИ МЎЪМИН ЗАИФ МЎЪМИНДАН ЯХШИРОҚ

"Шубҳасиз, кучли-қувватли бир мўъмин яхшидир. У Аллоҳга заиф бир мўъминдан кўра севиклироқдир. Аммо ҳар бир мўъминда ҳам хайр-яхшилик бор. Сен ўзингга фойда берадиган нарсани маҳкам тут, Аллоҳдан мадад сўра. Агар бошингга бирор мусибат етса, ожизлик, заифлик қилма. Зинҳор: "Агар бундай қилганимда эди, ундай бўларди, бундай бўларди" дема. "Аллоҳ шуни тақдир қилибди, У нимани истаса, шуни қилади" деб айт. Агар шундай қилмасанг, шайтоннинг васвасасига эшикларни очиб берган бўласан"²⁷.

Ҳазрати Абу Ҳурайра разийаллоҳу анҳу ривоят қилган бу ҳадис хайр-яхшилик фақатгина кучли мўъминда мавжуд, деган тушунчани бартараф этади. Чунки ҳадисда таъкидланганидек, кучли ёки кучсиз иймон эгаси бўлсин, иккови ҳам яхши. Цементга қум қўшилганда жипслашув, бирдамлик ҳосил бўлгани каби.

Шу сабабли, сен ўзингга фойда берадиган хусусларга маҳкам ёпиш. Чин дилдан Аллоҳ таолога меҳр қўй ва бу эътиқодингни ҳеч сусайтирма. Агар бошингга яхшилик ёки мусибат келса, севинсанг ҳам, қайғурсанг ҳам зинҳор "Агар ундай қилганимда, шундай бўларди, бундай қилганимда эди бошимга шу бало келмасди..." каби сўзларни тилга олма. Энг яхшиси "Аллоҳ таолонинг тақдири шундай экан, Аллоҳ шуни хоҳлабди", десанг бўлгани. Чунки ҳаётда яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Аллоҳдан. Ҳар қандай ҳолда унинг тақдирига рози бўлиш – банданинг вазифаси. Шу йўл орқали ҳар хил васвасалардан қутулган бўласан. Чунки "агар" калимаси ишлатилса, шайтони лаиннинг барча васваса эшиклари очилади. Шу боис мўъмин кишилар доимий ҳузур - ҳаловат пайтида, тақдирга рози бўлган ҳолда афсусланиб, "шундай қилсайдиқ", дея савобли ишлар қилолмаганларини изҳор этсалар, макруҳ эмас, дейилади.

Мўъминларнинг иймони кучли ё кучсиз бўлишидан қатъи назар, хайр-яхшилик доим улар билан биргадир. Мўъмин киши доим дунё ва охиратга фойдали бўлган нарсаларни излаб топиб, уни бажариши лозим. Аммо бу ҳаракатни ёлғиз ўзи уddалай олмайди. Албатта, Аллоҳнинг ҳидояти, инояти, тавфиқи шарт. Бунинг учун ҳар жойда, ҳар вақтда Аллоҳга сиғинмоқ, унга илтижо қилмоқ банданинг бош вазифаларидандир. Агар буни бажармаса, оқибатда муваффақиятга эришмоқнинг ҳеч имкони йўқ. Ҳаётингда ожизлик сезсанг, у сенинг хатоингдир. Сен Аллоҳни қидир, топ ва ундан ҳеч қачон умидингни узма! Иложи борича, Унга астойдил суян, қолганидан қўрқма! У ўзига ихлос билан таваккул қилганларни асло ёлғиз ташлаб қўймайди. У Шафиқ ва Раҳиймдир. Лутфу эҳсони битмас-туганмасдир. Муваффақиятсизликка учраб: "Оҳ, кошки шундай қилганимда эди, бундай бўларди..." деб афсусланма, ўтган ишга саловат, вассалом.

МЎЪМИН ЎТМИШ ВА КЕЛАЖАҚДАН ҚЎРҚУВДАДИР

"Мўъмин банда икки хавф ўртасидадир. Биринчиси: ўтган гуноҳларидан қўрқадикки, уларни Аллоҳ нима қилганини билмайди. Иккинчиси: умрининг қолган қисмида бошига нима ҳалокатлар келишини билмайди"²⁸.

Бундай икки хавф орасида турган мўъмин, шубҳасиз, дунё ҳаётига илтифот этмайди. Иймони саломат бўлиши учун қайғурадиган мўъмин, фақат Ҳаққа ёлвориш ва сиғинишгина саодат эканини англаб, жаҳаннам азоби ва Аллоҳнинг ғазабига учрамаслик учун зўр бериб ҳаракат қилади. Эртадан кечгача кайфу сафо суриш билан умрини ўтказадиган, охират ҳақида ўйламайдиган киши ҳеч қачон комил ва етук мусулмон бўлолмайди.

²⁷ "Рамуз ал-аҳодис" 230\11.

²⁸ "Рамуз ал-аҳодис" 230\15, ровий ҳазрати Ибн Муборак разийаллоҳу анҳу.

Ҳукм ва тақдирига рози бўлмаганларга буюк Аллоҳ: **"Ким менинг тақдиримга рози бўлмаса, юборгн балоимга сабр қилмаса, ўзига мендан бошқа маъбуд қидирсин"**, деб ўз ҳукмини эълон қилганки, бу банда учун жуда катта таҳдид, қўрқинчли ва айни пайтда буюк ҳақиқатдир.

-25-

МЎМИНДА ЁЛҒОН ВА ХИЁНАТ БЎЛМАЙДИ

"Мўмин киши ёлғон ва хиёнатдан бошқа барча хулққа тобе бўлиши мумкин."²⁹

Фитрий-яратилиш жиҳатидан олиб қарасак, мўминда ахлоқнинг барча турлари, жумладан, ҳар хил ёмон хулқларга ҳам эга бўлиши мумкин. Аммо унинг табиатида ёлғон билан хиёнат бўлиши мумкин эмас. Бу икки ахлоқ ҳар бир инсон учун катта қусур ва қабоҳатдир. Ҳар қандай киши учун бу икки ахлоқ қабоҳат экан, демак мўмин кишига асло ярашмайди. Чунки иймон кирган қалбга ёлғон ва хиёнат сиғмайди. Бири келса бошқаси чиқиб кетади. Шунинг учун ҳам мўмин тўғрилиқ ва вафодорликни севади, бошқаларни ҳам шунга чақиради. Шак-шубҳасиз, мўмин киши Жаноби Ҳақ ҳузурда ҳам тўғрилиги ва аминлиги боис юксак даражаларга эришади.

Ҳар намозда Ҳақ таолодан Сироти мустақимни - тўғри йўлни сўраймиз. Тўғри йўлда бўлган кишини Аллоҳ ҳеч қачон хор қилмас. Тўғрилиқ жаннатдаги бир дарахтга ўхшатилади. Кимдаким ер юзига ёйилган бу тўғрилиқ дарахти шохларидан бирини маҳкам тутса, у шох уни тўғри жаннатга элтади. Аксинча, ёлғон - илдизи жаҳаннамда жойлашган бир дарахтдир. Ким ёлғончилик қилса, қилган ёлғони уни дўзахга элтади. Хиёнат ва ёлғончилик фақатгина баъзи адашган қавмларнинг феълидир.

Шу боис болаларимизни тўғри тарбиялашга эътибор берайлик. Бу йўл – Сироти мустақим пайғамбарларнинг йўлидир. Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламнинг йўлидир. Бу йўл ғазабга дучор бўлган, адашган бандаларнинг йўлидан бошқача йўл. Биз ҳам Аллоҳ таолодан барчамизни мана шу йўлга йўллашини ва тўғрилиқни тутиб, ундан айрилмайдиган бандалари қаторида қилишини сўраймиз.

- 26 -

МЎМИННИНГ МЎМИНГА БАҒРИ КЕНГ

"Мўминнинг елкаси юмшоқ бўлади, биродарига кенглик қилади, мунофиқ эса тўнгдир, биродарига танглик қилади. Мўмин аввал салом беради, мунофиқ эса менга салом берсин деб тураверади"³⁰.

Ҳазрати Анас ибн Молик разийаллоҳу анҳу ривоят қилган бу ҳадиси шарифдаги "лаййинул манкаби" лафзи билан мўминнинг елкалари юмшоқ бўлиши айтилмоқда, яъни жузъий (бўлак) зикри билан куллий (бутун) мурод ҳосил қилинмоқда. Чунки инсоннинг бирон-бир жиҳатини, битта хусусиятини зикр қилиш билан унинг бутун хислати кўзда тутилади. Мўмин доимо юмшоқ табиатли, киришимли, кенг кишидир. Бирон мажлисда ўтирар экан, янги келган одамга жой бериш учун ҳаракатга тушади, унга жой беради. Ўзи безовта бўлса-да, биродари тик турмаслиги учун ҳаракат қилади.

Бу сифатнинг гўзаллиги, айниқса, ҳажда яққол сезилади. Баъзи ҳожилар жой тополмаётганини кўргач, уни дарҳол ёнига чақирадилар, қийинчиликларини бартараф этишга кўмаклашадилар. Аксинча, баъзилар имкони бўлса ҳам, безовта бўлмаслик учун ҳар хил баҳона

²⁹ "Рамуз ал-аҳодис" 231\9, ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аби Авфа разийаллоҳу анҳу ривоят қилганлар.

³⁰ "Рамуз ал-аҳодис" 231\10.

кўрсатиб, оёқда тик туриб қолган биродарлари ўз ёнларига ўтиришини истамайдилар. Мўъмин билан мунофиқ шу зайлда маълум бўлади. Чунки, мўъмин биродарига доимо кенглик қилади, жой беради. Мунофиқ эса, аксинча, ўзидан узоқлаштиради, машаққатда қолдиради. Зеро, сиз ёнидан жой берган биродарингизни яхши кўришга мажбурсиз, сизнинг ташвишингиз билан иши йўқларга эса ҳеч қачон меҳр қўёлмайсиз. Мана бу ҳол мўъмин ким-у мунофиқ кимлигини кўрсатади.

Мўъмин биродарини кўрса биринчи бўлиб салом беради ва табассум қилади. Мунофиқ эса салом беришда тараддудланади, кибру ҳавоси йўл бермай, рўпарасидагидан салом кутади. Унга салом берилмагунича салом бермайди. Бу одат орқали мўъмин ва мунофиқ осонгина маълум бўлади. Ҳақ таоло барчамизга мўъминларга ярашадиган гўзал феъл-атвор ва табиатлардан насиб этсин ва ёмон, ярамас хулқлардан муҳофаза қилсин.

"Букрини гўр тuzатади" мақолининг нақадар ҳикматли эканини таърифлашга зарурат бўлмаса керак. Узоқ вақтлар мобайнида кўникилган ёмон одатлар ва тарбияларни ислоҳ этиш учун солиҳ инсонлар бўлиш керак.

Бир одам улуғлардан бир зотни уйига дастурхонга таклиф қилибди, биргалашиб йўлга тушишибди. Уйига яқинлашгач, таклиф қилган киши бир баҳона билан у зотни қайтариб юборибди. Кейин яна бориб, узр сўраб, яна таклиф этибди. Бечора юмшоқ кўнгилли зот унинг орқасидан уйигача келибди. Таклиф қилган одам яна бир баҳона рўкач қилиб, ҳазратни қайтарибди. Бу ўйин беш дафъа такрорланибди, у муҳтарам зот ҳеч бирисида: "Нима қилияпсан ўзи, мен билан ўйнашяпсанми?" демабди.

Ниҳоят, таклиф қилувчи одам ҳазратнинг қўлини ўпиб, унга мурид бўлмоқни сўрабди: "Тақсир, мен бун сизнинг ким эканлигингизни билиш учун қилдим ва тушундимки, сиз ҳақиқий муршид экансиз" дебди. У зот эса: "Нотўғри фаҳмлабсан, менинг юмшоқлигим яхши инсонлигимга далолат қилмайди. Кўрмайсанми, бир итни неча марта қувсанг ҳам, кейин яна чақирсанг, келаверади. Бу бир итнинг табиатидир", деб фавқулодда камтарлик кўрсатган экан. Мана, улуғларимиз ўзларидаги яхши феъллардан асло ғурурланмаганлар. Ва мана шу камтарликлари билан янада юксак олийжаноблик намоён этиб, қабоҳатли қалбларнинг ислоҳ топишига сабаб бўлганлар.

-27-

МЎЪМИН ҚАЧОН ФАРИШТАЛАРДАН АФЗАЛ БЎЛАДИ?

***"Мўъмин киши беш ёмонлик ўртасидадир: мўъмин биродари унга ҳасад қилади, мунофиқ уни ёмон кўради, кофир уни ўлдириш пайида бўлади, нафс унга қарши туради, шайтон уни йўлдан оздиради"*³¹.**

Мўъмин кишининг фаришталардан афзаллигининг сабабларидан бири унинг беш душман ўртасида ғолиб туриб, иймонини муҳофаза этишидир. Биринчиси, иймони заиф бир мўъмин Ҳақнинг тақсимига рози бўлмай, бошқа бир мўъмин биродари эришган неъматларга ҳасад қилади ва уни ранжитади. Ҳолбуки, ҳасад ҳасадгўйга ҳеч нарса беролмайди, аксинча, ундаги савобу яхшиликларни кетказади. Олов ўтинни ёндириб тугатгани каби, ҳасад солиҳ амалларнинг савобларини маҳв этади, охиратда қўлига бир нарса кирмайди. Мўъмин эса буларга сабр билан жавоб беради.

Мўъминнинг иккинчи душмани - мунофиқдир. У ҳам мўъмин учун бир бало, сўзини тингламайди, насиҳатини қабул қилмайди; мўъминга нисбатан нафрат ва ғазаби ҳар доим ошиб бораверади. Мўъмин ҳам унга қарши курашаверади.

Буларнинг устига, учинчи душман кофир бўлиб, мўъминнинг асосий рақибидир. Кофир доимо мўъминга қарши курашади. Урушлар инсониятга катта фалокатлар ёғдириши маълум. Айниқса, бугунги урушлар. Шунинг учун тинимсиз ўқимоқ, шижоат кўрсатиб, бошқаларнинг

³¹ "Рамуз ал-аҳодис" 231\11, ровий ҳазрати Анас ибн Молик разийаллоҳу анҳу.

асири бўлмаслик учун кеча-кундуз ҳаракат қилмоқ ва уларга бас кела оладиган даражада устиворликка эришмоқ ҳам иймонимиз тақозоси, ҳам Китобимиз ҳукмидир. Мусулмонлар бу хусусда масъулдирлар. Шу масъулиятни ҳис қилиб, диний илмларни ўрганиш баробарида дунёвий илмларни ҳам касб этиб, замонавий ҳарб жиҳозларини ишлаб чиқариш, аскарларни шижоатли, матонатли қилиб тарбиялаш, сабр билан ғалаба қозонгунга қадар курашиш мўъминнинг вазифасидир.

Мўъминнинг юқоридагилардан ҳам хавфлироқ бўлган яна бир душмани бор. У ўз НАФСИдир. Турли-туман ўйин, ҳийлалар билан мўъминни йўлдан адаштиришга ва гуноҳлар томон етаклашга, имкони борича иймонини ҳам олишга ҳаракат қилувчи яширин, кўринмайдиган, лекин ислоҳ этиш мумкин бўлган нафс бор. Бошқа душманлар билан сулҳ тузиб, тинч яшаш мумкин, аммо буниси билан ҳеч қандай сулҳ тузиб бўлмайди. У етти бошли аждаҳодан ҳам баттар. Нафсини тарбия қилган муҳтарам зотлар билан дўстлик қурилса, нафсни бирмунча ислоҳ этиш мумкин бўлади. Турфа навли дарахтлар пайванд қилиниб, яхши бир нав ҳосил бўлганида, инсон табиатидаги яхшиликларни юзага чиқаришнинг нега имкони бўлмасин? Инсоннинг бир муршиди комилга боғланиши, унга итоат қилиши нафсига қарши бир қуролдир. Буни унутмаслик керак.

Бинобарин, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламга пайрав, издош бўлган инсонлар қисқа вақт мобайнида буюк бир қудрат ва салоҳият касб этиб, дунёга илм-маърифат тарқатдилар ва бундан кейин ҳам шундай бўлишига заррача шубҳамиз йўқ. Маълумки, нафснинг етти босқичи бор, дастлабки учтаси жуда таҳликали ва аянчлидир. Аллоҳ сақласин, инсон нафснинг биринчи ва иккинчи, ҳатто учинчи босқичида бўлган пайтида жони узилгудек бўлса, кейинги ҳаёти оғирдир. Чунки бу босқичларда нафс фақатгина ёмонликка майл этади ва ислоҳи ҳам мушкулдир.

Биринчи босқич "аммора" дейилади. Унинг иши фақат ёмонликка буюришдир. Бу мақомда тавбаю истиғфор билан тоат-ибодатда маҳкам турган инсон кейинги мақом - "лаввома" босқичига ўтади ва бунда бир даража юксалади. Аммо нафснинг истаги "аммора"да бўлади, фурсат топдим дегунча "аммора"га қайтади. Инсон бу босқичда ҳам нафсни енгса, "мулҳима"га ўтади. Бу мақомда нафс бир даража кўтарилса-да, ҳали ишонч йўқ. Чунки бунда ҳам у эски ҳолига интилади. Бироз тизгинни бўш қўйсангиз, дарҳол "лаввома"га, ундан эса "аммора"га ўтиб кетаверади. Агар "мулҳима"даги курашда инсон нафсининг жиловини тутта билса, нафси "мутмаинна"га ўтади ва унда ҳаловат топади. Аммо барибир уни тинч қўйишмайди. Инсон умри давомида булар билан курашишга мажбур. Нафси бузуқлар, ҳақ-ҳуқуқни билмаганлар нафс асорати остида жон берадилар. Ҳолбуки, нафснинг асоратида қолиш кофирлар асоратида қолишдан кўра хавфлироқдир. Оврўпо ўлкаларида миллионлаб мўъмин-мусулмонлар бор. У ерларда ҳар ким ибодатини хоҳлаганича қилаверади. Ҳолбуки, инсон нафсининг асири бўлиб қолса, хоҳ Каъбада бўлсин, хоҳ Мадинаи мунавварада бўлсин, кофир ҳолида қолаверади, Аллоҳ асрасин!

Бешинчи душман эса кўз билан кўрилмас, қўл билан тутилмас шайтони лаиндир. Ҳақ таоло унинг бизга душманлигини Қуръони Каримда **"Албатта, шайтон сизнинг очиқ душманингиздир"** деб билдирган. Шайтонни фақат Аллоҳ таолонинг зикри қўрқитади. Банда Аллоҳнинг зикри билан машғул экан, шайтон унинг ёнига яқинлаша олмайди. Уни ҳақ йўлидан ҳам оздира олмайди. Аллоҳнинг зикридан ғофил бўлган бандаларни шайтон ўз тузоғига тезда илинтиради. Шундай экан, ҳар бир мўъмин доимо Аллоҳнинг зикрида бўлмоқлиги нақадар буюк саодат!

-28-

МЎЪМИН ДУНЁДА ҒАРИБДАЙ

"Мўъминнинг уйи – қамиш, емаги – ушоқ, усти-боши паришон, сочи тўзғиган,

қалби эса Аллоҳдан қўрқувдадир. Фикру зикри бу дунё кўпригидан яхшилик билан саломат ўтмоқдир³².

Мазкур ҳадиси шарифдаги “Саломатлигини ҳеч нарсага алмаштирмайди” деган жумлани ҳазрати Абдулазиз Беккина ал-Қозоний қуддисаллоҳу сирруҳу “Фикру зикри бу дунё кўпригидан яхшилик билан саломат ўтмоқдир” деб таржима қилганлар. Яъни мўъмин киши охират учун бўлган саломатлигини дунё матоҳларидан ҳеч нарсага алмаштирмайди: ўз иймони, тақвоси, ибодатини саломат сақлашга уринади.

“Зеб-зийнатга аҳамият бермаслик иймондандир. Зеб-зийнатга аҳамият бермаслик иймондандир. Зеб-зийнатга аҳамият бермаслик иймондандир”³³

Бу ҳадиси шарифларда комил ва етук мўъминларнинг ҳоли янада ошкора тилга олинган. Мўъмин киши дунё ва дунёвий лаззатларнинг ўткинчи эканини билади ва ҳаётнинг бирор лаззатига аҳамият бермайди. Мўъминнинг бутун дарди ва фикру зикри Парвардигоридир. У Аллоҳга ошиқ ва Унинг охиратдаги лаззатли, боқий неъматларини, жамоли илоҳийсини мушоҳада этади. Мушоҳада этиладиган жой эса жаннатдир. Банда қаерда бу мушоҳадага эришса, ўша ер унинг жаннатидир. Шу боис, дунёда экан бу мушоҳадаларнинг дунёвий тажаллийларига эришгач, унинг назарида уй-жой, мол-мулк, завқу сафо, лаззатли таомларнинг қиймати қолмайди. Ҳатто усти-бошини тузатишга, соч-соқолини тарашга ҳам вақт тополмай қолади. Фикри зикри, дарду изтиробни фақат Парвардигорида бўлади. Доим Унинг розилигини ўйлайдиган бўлиб қолади. Бошқа завқ-сафолар унинг назаридан қолади. Қалби хавф ва қўрқув билан тўлади. Мўъмин қанчалик зоҳид бўлишига қарамай, ибодатда фаришталардан ҳам устун бўлиб, тақводор бўлишига қарамай, Раббисидан қўрқув узра бўлади. Унинг хавф ва ражо (қўрқув ва умид) орасида туриши энг катта фазилатдир. Бунга ҳеч қандай хусус тенг келолмайди.

Шу қадар бебаҳо ва мислсиз бир неъматни қўйиб, дунёнинг ўткинчи лаззатларини танлаш ақлданми? Буларга алданганлар умматнинг маънан кўр ва басиратдан маҳрум заифу нотавонларидир. Иймонлари кучли ва комил бўлганлар, болалар алданадиган бундай фоний нарсаларга илтифот этиб, азиз ва қимматли умрларини зое этишни истамайдилар. Шу тўғйи умрларини фақат улуғ Мавломизга итоат, ибодат ва ризойи илоҳийга эришмоқ билан ўтказадилар. Улар бундай иймон қуввати билан ўлимдан ҳам қўрқмайдилар. Шаҳодат учун доим тайёр турадилар. Мусулмонлар ана шундай иймон сабабли ҳар доим душманлари устидан ғолиб келганлар. Чунки улар ёрдам фақат Аллоҳдан келишига қатъий ишонганлар. Шунинг учун моддага катта аҳамият бермаганлар ва ҳар қандай имкон, қувват ва устунликларга эга бўлган душманларига ҳам бўйин эгмаганлар.

Мўъмин ўзини совуқдан, иссиқдан, қор ва ёмғирдан, ёвнинг ёмон кўзидан сақлайдиган бир уйга эга бўлса, кифоя. Қорнини тўйғазиш учун у турли-туман лаззатли таомлар излаб юрмайди. Умрининг аксар қисмини рўза тутиш билан ўтказди, шу билан бирга, бир бурда нон ейиш билан қорнини тўйғазади. Чунки меъдаси у қадар катта эмас. Қаноаткор бўлиш билан бирга ҳирси ва очкўзлиги ҳам йўқ. Шуҳратли, намойишкорона либослардан ҳеч завқланмайди. Чунки улар айни вақтда инсонга ужб ва кибр сингари чиркин ва ёмон феълларни олиб келади. Инсоннинг ўзи бунинг фарқига бормай қолади. Шу боис сочини тараш ва безаниш унинг одати эмас. Бунинг учун вақтини кетказишни истамайди ҳам.

Булар биз учун жуда муҳим кўриниб, уйларимиз ҳаддан зиёд замонавий қулайликларга мос, аслида ҳеч нарсага ярамайдиган, фақатгина эгасини кибрли ва мағрур қиладиган зеб-зийнатлар бўлиб, ҳузур илоҳийда ва Расулуллоҳ наздида ҳам мақбул ва марғуб эмас, шунингдек, бир қанча кераксиз, ортиқча харажатларга сабаб бўлиши барчага маълум. Етук мўъмин ҳар доим мўъмин биродарини ўзидан кўра кўпроқ ўйлайди, унинг муҳтожликда қолишидан асло рози бўлмайди. Шунинг учун ўзи неъматдан ҳар томонлама фойдаланиб,

³² “Рамуз ал-аҳодис” 231\12, ровий ҳазрати Анас ибн Молик разийаллоҳу анҳу.

³³ “Рамуз ал-аҳодис” 194\8, ҳазрати Абдуллоҳ ибн Абу Умома разийаллоҳу анҳу отасидан ривоят қилганлар.

қаноат ҳосил қилгач, ортганини мўъмин биродарининг уй-жойи ва бола-чақасининг бахти учун сарфлайди, ўзидан кўра биродарини афзал кўриб, унга ёрдам беради. Ўзи муҳтож бўлса ҳам аҳамияти йўқ, дастлаб биродарини ўйлайди, унга ёрдам бериш учун чопади. Шунинг учун ўзи турли хил безакли ашёларга эҳтиёж сезмайди. Эҳтиёжи йўқ деб ҳам бўлмайди, эҳтиёжи бор, ammo биродарларини ўзидан устун кўргани боис ўз ҳақи ва орзуларини улар учун тарк этиб, мағфирати илоҳияга, улўғвор даражаларга эришишга ҳаракат қилади. Ҳадиси шарифда:

"Ҳар қандай кишининг ғайри шаръий шаҳвати ортса, лекин у шаҳватини тарк этиб, нафсига ҳоким бўлса, Аллоҳ у бандасини мағфират этади"³⁴ дейилади. Шундай бўлгач, барча мўъминлар йиқилмас бир қалъа каби бир-бирларига ёпишган минорадек бўладилар...

-29-

МЎЪМИН АЛЛОҲНИНГ СУЮКЛИСИ

"Мўъминнинг тилидан фаришта сўзлайди. Кофирнинг тилидан шайтон сўзлайди. Мўъмин Аллоҳнинг суюклисидир. Мўъминнинг ишини Аллоҳ ҳал этади"³⁵.

Аллоҳнинг ҳузурда мўъмин баъзи фаришталардан ҳам афзал эканига асос шуки, Ҳақ таоло уни доимо кўриқлаш учун унинг ҳар бир аъзосига биттадан фариштани муваккил қилган. Масалан, кўзининг муҳофазаси учун, қулоқларининг кўриқланиши учун, оғзимиз, ошқозон, ичак, буйрак, юрак ва хусусан тилимизда ҳам бир малак бўлиб, бу малакнинг илҳоми билан турли хизматлар қилиниши, айтилиши ва билдирилиши мумкин бўлади.

Банда шу аснода Ҳақнинг турли неъматларига шукр қилади, қачонки, ўша малак мўъминга яқинлашса, шукри ва маърифати зиёдалашиб, Аллоҳга яқинлиги ортади. Хато ва гуноҳларига дарҳол пушаймон бўлади, надомат чека бошлайди, шу орқали янглиш йўллардан узоқлашиб, Ҳақ висоли томон йўл излайди. Бу малаклар воситасида банданинг қалби роҳатланади, ҳузур-ҳаловатда яшайди. Натижада, комил мўъмин дунёда ҳам жаннат тимсоли ҳаётини давом эттиради, ўзига берилган неъматларга шукр қилади, ўтган гуноҳлари учун тили доим истиғфордан бўшамайди. Шу аснода гуноҳлари ўчирилади, солиҳ амаллари тўлиб-тошиб кетади.

Кофирлар эса, аксинча, тилида малак эмас, Ҳаққа иршод ҳам эмас, балки пасткашлиги туфайли бутларга, Аллоҳнинг бутсифат қулларига сиғинганлари учун Ҳақнинг нафратига сазовор бўладилар. Чунки уларнинг тилларида ўтирган шайтонлар уларга куфр ва залолат йўлларини билдириб, Аллоҳ таолонинг неъматларини, куч-қудратини инкор этишга интиладилар. Қачонки, шайтон кофирларга яқинлашса, уларнинг қайсарлиги, куфру исёнлари ортиб бораверади. Лаънати шайтонга мубтало бўлмаслик учун мўъминлар Аллоҳнинг зикридан ҳаргиз ғофил бўлмасликлари зарур. Зеро, иймон ва зикруллоҳнинг нурига шайтоннинг бардоши етмайди, дарҳол у ердан қочади. Азони Муҳаммадий ўқилганида, такбир келтирилганида ҳам зикрнинг нурига чидолмай, ёниб кул бўлмаслик учун қочишдан бошқа чораси қолмайди.

Мўъмин Аллоҳнинг дўстидир. Аллоҳ ўз дўстига дунё ва охиратда кўзлари кўрмаган неъматлар эҳсон қилади.

-30-

МЎЪМИН ДЎСТИНИ ЎЗИДАН УСТУН КЎРАДИ

"Мўъмин киши дунёда ғариб кабидир. Дунёнинг лаззатларига у илтифот этмайди. Дунёда ўзини хор туттади. Инсонлар мақбул кўрадиган ҳол, тавозуъ сабаби

³⁴ "Рамуз ал-аҳодис" 183\1, ҳазрати Ибн Умар разийаллоҳу анҳумо ривоят қилганлар.

³⁵ "Рамуз ал-аҳодис" 231\13, ровий ҳазрати Анас ибн Молик разийаллоҳу анҳу.

билан, унда кўринмайди. Унинг шундай бир ҳоли бордирки, бу ҳол бошқа инсонларни роҳатлантиради. Аммо шу сабабдан унинг ўз вужуди машаққатдадир³⁶.

Комил ва етук мўъминлар дунёда ғариб кабидирлар. Ватандан йироқдаги кишини ғариб дейдилар. Ғариб инсон гарчанд кўзлари бўлса-да, худди кўр кишига ўхшатишган. Мўъмин ғариб каби бўлгач, кўзи кўр кабидир. Дунёга назар ташлаб, унга алданадиган ҳолда эмас. У доим ботин оламидадир. Шу боис зеҳни кучли. Эшитганларини унутмайди. Ҳатто бир марта гаплашган кишиларини анча вақт ўтгандан кейин ҳам овозларидан танийди. Шу каби мўъминнинг ички дунёси, басирати жуда кучли, зеҳни ўткир, фаросати қувватли бўлади. Фикр-мулоҳазалари кўпинча тўғри чиқади. Ватанини тарк этиб, борган жойида ҳам муқим бўла олмаган ғариб инсон у жойни ҳам ватан қила олмайди. Шунга ўхшаб мўъмин ҳам қаерда бўлишидан қатъи назар, бу дунё неъматларига эътибор бермайди.

Мўъмин ҳам кўниккан одатларини тарк этиб, зухдга берилиб, дунёда ўзини Мавлосидан узоқлаштирувчи ҳамма нарсадан воз кечиб, асл ватани бўлган охиратга юз бурганидан, бу дунёнинг завқу сафоларига илтифот этмайди. Зеро, охират салтанатининг дунёвий лаззатларга асло ўхшамаслигини яхши билади. Фониждан кўра боқийни танлаганидан у ғариб кабидир. Масалан, ҳажга ёки бошқа бир зиёрат мақсадид йўлга чиққан инсон, вақтини йўлларда беҳуда ўтказишни истайдими? Йўқ, асло! У фақат манзилига тезроқ етиб боришни ўйлайди. Шунинг учун мўъмин дунёнинг бирор иззати билан ошнолик қилмайди ва қила олмайди. Чунки иззатпарастликнинг охири войдир. Бу эса ҳар доим кўзимиз ўнгида намоён бўлиб турибди. Мана, султонлар, ҳукмдорлар, вазиру вазароларнинг оқибатлари барчамизга маълум. Буларнинг ҳар бири ибрат лавҳасидир. Ҳақиқий мўъмин дунёда бошига келган зиллатлар туфайли фарёду фиҳон чекмайди. Дод-фарёд солишга зарурат сезмайди.

Инсонларнинг шундай ҳоллари борки, уни иқбол дейдилар. У эса дунёда азиз бўлмоқ ва нафсини иззатга лойиқ деб даъво қилмоқдир. Мўъмин кишининг ўз ҳоли борки, унинг кўзи ўнгида дунёнинг сариқ чақалик қиймати йўқ. Шу боис мўъмин ҳеч кимни хафа қилмайди. Инсонлар ундан фароҳат кўрадилар. Унга нисбатан ҳеч қандай андишалари бўлмайди. Ҳар қандай ҳолда ундан хотиржам бўладилар.

Ҳолбуки, инсонлар дунёда мўъминларга хос бу соддаликни ихтиёр этмаганлари боис, ҳар қанча иззат-икромда кўринсалар-да, хорликдан асло қутула олмайдилар. Шунинг учун комил мўъминлар фақатгина дунёнинг зиллатини ва охиратнинг иззатини ихтиёр этганлари учун вужудлари зоҳиран машаққат чекаётгандек кўринади, аслида эса ботин оламида роҳат, завқ ва сурур ичида бўладилар. Жаноби Файёзи Мутлақ барчамизни аҳли камолга ошно ва ўзимизни ҳам комил мўъминлардан бўлишимизни насиб айласин.

-31-

МЎЪМИН ОИЛАПАРВАРДИР

"Мўъмин киши оиласининг хоҳиш-раъйига қараб еб-ичади, мунофиқ эса шаҳватининг ихтиёрига қараб еб-ичади".³⁷

Комил ва етук мўъмин - нафси амморасини енгган, мутмаинналик мақомига эришган, нафсининг орзулари тамоман сўниб-битган мўъмин бўлиб, оила аъзолари орасида мукамал турмуш кечиради. У ўз хонадонида ички ишлар вазири кабидир. Уй ишларида ва еб-ичиш масаласида доим аёлининг истакларига мувофиқ ҳаракат қилади. Иштаҳаси бўлмаса-да, аёли тайёрлаган таомни мақтаб ейди.

Аксинча, мунофиқ нафси хоҳлаган нарсани олиб келади, нафсига кўра овқат пиширтиради, ўз жонининг ҳузурини ўйлайди. Аёлининг хоҳишига, раъйига қарамайди. Фақат нафси ва шаҳватининг қониқишини ўйлайди. Бу мунофиқларга хос сифатдир. Шу боис, бироз инсоф

³⁶ "Рамуз ал-аҳодис" 231\15, Баҳр бобосидан, у киши ҳам отасидан разийаллоҳу анҳумо ривоят қилганлар.

³⁷ "Рамуз ал-аҳодис" 231\16, ровий ҳазрати Абу Умома разийаллоҳу анҳу.

билан ҳаракат қилинадиган бўлса, энг тўғри тутилган йўл аёлининг истак-майлига қарашдир. Чунки у хоҳлаган таомларнинг тайёрланишига рухсат бериш ҳам мўминлик, ҳам комиллик белгисидир. Шу йўл билан оилада тинчлик-тотувлик, ҳузур-ҳаловат сақланган бўлади. Фарзандларимиз ҳам бизлардан ўрнак оладилар, яхши инсон бўлиб этишадилар. Мусулмонман деганлар қандай бахтли, саодатли инсонлардир!

-32-

МЎМИН АЛЛОҲНИНГ НУРИ БИЛАН ҚАРАЙДИ

"Мўмин киши ўз яратувчиси бўлмиш Аллоҳнинг нури билан қарайди"³⁸.

Ҳақиқий мўмин - руҳонияти нафсидан ҳолиб келган кишидир. У ҳар нимага боқса, ўша ашёнинг ботиний жиҳатларини кўради, яъни маъно-моҳиятига етади. Ашёнинг нима учун яратилгани ва нимага яроқлилигини яхши билади. Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломга бу неъматни бераркан: **"Ва У зот Одамга барча нарсаларнинг исмларини ўргатди"** сиррига ноил қилганди.

Унинг авлоди бўлган мўминлар бу неъматдан фойдаланиб келмоқдалар. Юқорида тилга олинган ҳадиси шарифда таъкидланганидек, мўминлар бир нарсага боқар эканлар, ягона яратувчи Аллоҳнинг нури билан назар соладилар. Яъни илоҳий нур-ла порлаган қалб кўзлари ила боқадиларки, биз буни басират деймиз. Шу боис кўпинча уларнинг фикр-мулоҳазалари тўғри чиқади. Улар ўз қарашларида адашмаганлари-дек, уларнинг фикр-қарашлари бошқаларни ҳам адаштирмайди. Чунки уларнинг кўнгиллари мунаввар бўлгани учун ойнадек тиниқлашиб, мусаффолашган.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам ва бошқа пайғамбарлар алайҳимуссаломнинг, қолаверса, уммати Муҳаммад орасидаги мумтоз зотларнинг кашфу кароматлари ҳамда қимматли фикр-қарашларидан бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Чунончи, Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг барча ғазотлардаги шаҳидларнинг исмларини номма-ном ва соатларигача айтишлари, Мадинадаги жомеъ минбаридан туриб ҳазрати Умар разияллоҳу анҳунинг ажамлар билан жанг қилаётган қўмондонга тоққа чекинишини тайинлаганлари ҳақиқатдир.

Биз Аллоҳ лутф этган бу илоҳий нурни нафсимизга асир бўлганимиз туфайли занг бостирдик, фойдаланиб бўлмайдиган ҳолатга келтириб қўйдик. Кема, тайёра каби зирҳли транспортлар, радар, уяли алоқа, радио, телевизион сингари кундалик эҳтиёжларни ижод этишни инсонга насиб қилган қодир Аллоҳ солиҳ бандасига бундай илоҳий неъмат ато этолмайдими? Ўзлимизда бундай илоҳий эҳсонлар мавжуд бўлса-ю, лекин нафсимизга қул бўлиб, дунёнинг ўткинчи лаззатига алданиб, бу неъматлардан бебаҳра қолиб, ҳаётдан кўз юмсақ, нақадар бадбахт кимсалар бўлмаймизми?!

Азиз ва муҳтарам биродарим! Зинҳор сен динсиз ва ғофилларнинг сўзига қулоқ солиб, Ҳақнинг ризосидан ташқарига чиқма ва ўзингдаги мавжуд бу нурдан фойдаланиб, дунё ва охират саодатини қўлга киритишга ҳаракат қил! Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг йўлидан қатъиян чиқма! Чунки бу нурлар суннатга риоя қилинган тақдирдагина кашф бўлиб, ундан фойдаланишинг мумкин. Акс ҳолда, Аллоҳ ва расулининг йўлидан чиқсанг, бу нур сўнади ва сен бу неъматни зое қилганинг учун охиратда жазосини кўрасан.

Улуғларимиз бу нурларни шундай таърифлайдилар: инсондаги **қалб, руҳ, сир, хафий ва ахфо** латоифаларида бу нурлар сариқ, қизил, оқ, қора ва яшил рангларда жилоланади. Банда **ахлоқи замима** -- ёмон хулқдан батамом халос бўлмагунича кўринмайдиган бу нурлар, фақатгина **ахлоқи ҳамида** -- гўзал хулққа эришган комил инсонда зоҳир бўлади. Инсондаги беш моддага муқобил равишда яратилган бу беш руҳоний туйғулар беш мақом ҳам дейилади. Бу ҳақда тасаввуф китобларида батафсил маълумот олишингиз мумкин.

³⁸ "Рамуз ал-аҳодис" 231\17, ҳазрати Ибн Аббос ва Абу Умома разийаллоҳу анҳумо ривоят қилганлар.

МЎЪМИН ВА ЖАМИЯТ

"Одамларга аралашиб юрадиган ва уларнинг азиятларига сабр қиладиган мусулмон киши одамларга аралашмайдиган ва уларнинг азиятларига сабр қилмайдиган мусулмон кишидан яхшироқдир".³⁹

Ҳазрати Умарнинг ўғли Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳу ривоят қилган бу ҳадиси шариф ҳазрати Имом Табарий, Аҳмад ибн Ҳанбал, Имом Термизий ва Ибн Можа раҳматуллоҳи алайҳларнинг "Кутуби ситта" ҳисобланмиш саҳиҳ ҳадислар тўпламларида зикр этилган.

Мусулмонлар икки тоифадан иборат бўлади: бир қисми тасаввуф ва зуҳд йўлини танлаб, узлатга чекиниб, вақтинчалик жамият ишларига аралашмайдилар, ўз нафсларини ислоҳ этиш билан Машғул бўладилар. Уларнинг мақсадга муваффақ бўлиш-бўлмасликлари, бу алоҳида масала. Бунинг ҳам ўзига хос фазилати ва мукофоти бор. Балки жаннатнинг энг гўзал мавқеларига эришарлар. Чунки улар нафсга қарши мужодала натижасида ўзларини дунёнинг фитна-фасодларидан сақлайдилар. Аммо ҳадиси шарифда ижтимоий ҳаётга аралашиб, турли фитналарга рўбарў келган, лекин Ҳақ йўлдан тоймай, машаққатларга сабр қилган ҳолда инсонларни ҳидоятга чорловчи мусулмонлар тоифаси аввалгисидан афзал саналмоқда.

Демак, жамият ишларидан четда туриш қобилиятли мўъмин учун ҳеч бир фазилат эмас. Чунки мусулмонлар турли баҳоналар билан ўзларини жамият ишларидан четга олсалар, диний тарбиядан йироқ кимсалар аҳли исломга билиб-билмай душманлик қилишлари мумкин. "Сўнги пушаймон ўзинга душман", деган мақол бор. Пушаймон бўлиб қолмаслик учун ҳар бир мўъмин соғлом ақли ила фикрласин. Жамиятнинг ислоҳига фойдаси тегадиган ишларни муҳим деб билсин. Моддий зарарлари кўп бўлса-да, маънавий фойдаларининг беҳисоб ва давомийлигига заррача шубҳамиз йўқ.

МЎЪМИН МЎЪМИНЛАРГА ОЗОРСИЗ

"Қўлидан ва тилидан мусулмонларга зарар етмайдиган киши ҳақиқий мусулмондир. Инсонларнинг мол ва жонларини ишониб топширадиган киши ҳақиқий мўъминдир".⁴⁰

Бу ҳадиси шарифда Ислом асосларининг баъзи бир ҳақиқатларига ишора қилинмоқда. Аниқроҳи, мўъмин-мусулмонга хос яна бир сифат билдирилмоқда. Зеро, бугунги тасаввуримизга кўра намоз ўқийдиган, рўза тутадиган, закот берадиган ва ҳажга ҳам бориб келган кишини мукамал мусулмон деб биламиз. Ҳолбуки, мусулмон киши мазкур амалларни бажариш билангина комиллик касб этиб қолмайди. Балки Қуръони каримда жуда кўп такрорланган **"Аману ва аъмилус солиҳат – Иймон келтирганлар ва яхши амаллар қилувчилар"** ояти каримаси ва пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўғитларини чинакам англаб, уларга амал қилиш билан комиллик касб этиши мумкин. Юқоридаги ҳадисда эса мўъминни камолот сари етакловчи сифатларидан яна биттаси баён этилмоқда. Демак, бир инсон ҳақида унинг намозига, рўзасига қарабгина хулоса чиқарилмас экан.

Ҳақиқий мўъмин-мусулмон ўз биродаригагина эмас, ҳатто ўзга диндаги шахсларга ҳам жабр ва хиёнат қилмайди, кези келганда, уларга иззат-икром кўрсатади. Табиийки, бу амаллар ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Лекин, инсон ўзини имкон қадар гўзал хулқларга кўниктира бориши лозим. Вақти келиб, бу одатлар унинг учун табиий ҳолатга айланиб қолади. Ана шунда у мусулмонларнинг энг мумтоз ва бахтиёрларидан саналиб, жаннатдагидай ҳаёт кечиради. Юнус алайҳиссалом айтганларидай, балиқ қорни ҳам унга сарой бўлади.

³⁹ "Рамуз ал-аҳодис" 235\2.

⁴⁰ "Рамуз ал-аҳодис" 235\6, ҳазрати Абу Ҳурайра ва Василя ибн Асҳо разийаллоҳу анҳумо ривоят қилганлар.

Мўмин-мусулмонларнинг кимгадир азият беришдан сақланишлари асли Исломиятдандир. Ислום, мусулмонлик - улуғ мақом ва шарафли ҳолдир. Чунки Ислום билан шарафланган киши охираатдаги аҳли жаннатнинг ҳолига эришади. Яъни Аллоҳнинг буйруқларига бўйинсуниб, исёнларни тарк этиб, бошқаларга зиён-заҳмат етказишдан тийилади. Мусулмонларга бирор кишидан азият етмаса, албатта комиллар қаторидан жой олиши муқаррардир. Ҳолбуки, тилнинг жабри қўлнинг жабридан қаттиқдир.

Тилни тиймоқ, бу – хоинлик, тухмат, ёлғон, ғийбат, чақимчилик, истехзо, бировни масхара қилиш, ёлғон қасам ичишдан тийилиш, азон айтилаётганда, масжидларда, Қуръони карим ўқиладиганда, иқомат ва хутба вақтида, ҳожатхонада, жимоъ пайтида сўзлашмоқ ва суҳбатлашмоқдан тийилиш, Қуръони каримни ўз раъйига кўра тафсир қилмоқ, омонат сўз ва сирларни фош қилмоқ, гуноҳкорларни ҳимоя қилмоқ, биродарининг узрини қабул этмаслик, мўминларни кўрқитмоқ ва шунга ўхшаш тил воситасида бажариладиган беҳуда ва ёмон амаллардан ўзини сақлашдир.

Қуръон тафсирларида тил ва қўл билан жафо етказиш у ёқда турсин, кўз ва қош билан инсонга етказиладиган азиятнинг ҳам тил ва қўл жафосидан қолишмаслиги баён этилган.

Инсоннинг табиати уч жойда маълум бўлади: сафарда, овқатланиш пайтида, пул ва молга тегишли олди-бердиларда. Чунончи, ҳаж сафарида инсон машаққатларга, йўл қийинчиликларига йўлиқади. Оғир пайтларда инсон ҳамроҳига қандай муомала қилади? Фақат ўзининг ғамини ейдими ёки бошқаларга ҳам ёрдам берадими? Ана шу масалаларда ҳақиқий мўминнинг камолоти намоён бўлади. Агар бир чеккада ўтириб, қодир бўлса-да, ҳеч кимга ёрдам бермаса, аксинча, ўзгалардан ёрдам сўраса, ундай одамга афсуслар бўлсин. Бу ҳол ҳам танбаллик, ҳам иймон заифлигига далолатдир.

Танаввул пайтида ҳам фақат қорнини ўйлашлик иймондаги нуқсоннинг аломатидир. Савдосотикда ҳам шундай. Биринчи навбатда ўз манфаатини ўйлайдиган инсонлар ҳеч қачон комил мусулмон бўлолмайдилар. Дунёга ҳирс қўйган, худбин, муҳолиф, мағрур, мутакаббир, зикна, дарғазаб, риёкор, шуҳратпараст инсонлар ҳам шу жумладандирлар.

Тасаввуфда мазкур иллатлардан халос бўлишга ва гўзал хулқларни эгаллашга йўлланмалар бор. Масалан, риёзат чекиб Аллоҳни доимий зикр этиш орқали энг қабиҳ инсонлар ҳам энг солиҳ мўминларга айланганликлари айни ҳақиқатдир. Кераксиз ётган бир темирни олиб, оловга қўйсангиз, чўғдай қизариб, юмшайди, кейин уни муайян шаклга солиб, ўзингизга керакли асбоб ясаб олишингиз мумкин.

Шунингдек, комил мусулмонларнинг қаторига қўшилган бадхулқ одамларга ҳам беихтиёр фозилларнинг фазилати юқади. Шунинг учун улуғларимиз авлодларига доимо уламо, ҳукамо ва фақиҳлар мажлисларида қатнашишни, улардан файз олишни ва ҳеч қачон улардан айри бўлмасликни насиҳат қилганлар. Зеро, улар таомни хуштаъм қиладиган зираворга ёки ўз вақтида ёққан баракотли ёмғирга ўхшайдилар. Қуруқ, жонсиз ерларга ёмғир ёққач, у ерлар кўкариб, яшнаганидай, ўлган, жонсиз қалблар ҳам олиму фозиллар даврасида қайта жонланади. Парвардигор барчамизни ҳидоят ва камолотга сабаб бўлувчи олим ва ҳақимлар мажлисларидан айирмасин!

-35-

МЎМИННИНГ ИЛТИЖОСИ МАҚБУЛ

"Тили ва қўлидан мусулмонлар саломат бўлган киши ҳақиқий мусулмондир. Аллоҳ қайтарган нарсалардан қайтган киши ҳақиқий муҳожирдир"⁴¹.

"Саҳиҳ Бухорий"дан⁴² ҳам ўрин олган ушбу ҳадиси шариф ҳақиқий муҳожир ким эканини билдирмоқда. Биз аслида муҳожир деганда дини учун юртини тарк этиб, мусулмон диёрига

⁴¹ "Рамуз ал-аҳодис" 235\7, ҳазрати Абдуллоҳ ибн Амр разийаллоҳу анҳу ривоят қилганлар.

⁴² Бухорий, "Китоби иймон" (4) 1\8-9, ҳазрати Абдуллоҳ ибн Амр разийаллоҳу анҳу ривоят қилганлар.

кўчиб ўтганларни тушунамиз. Албатта, бунинг ўзига яраша сабаблари бўлади. Она юртни, ёру биродарларни тарк этиш осон эмас. Лекин дину диёнатини сақлаш мақсадида қилинган бу ҳижратлардан, албатта, буюк мукофотлар оладилар. Самарасини бу дунёнинг ўзида ҳам кўрадилар. Аллоҳ уларга кенглик ва роҳатлик беради, неъматлар ато этади, айрилиқ аламини унуттиради. Аммо инсон ҳаётини булғаши мумкин бўлган ёмон амаллар борки, агар улар табиатга ўрнашиб қолса, Аллоҳ сақласин, киши қаерга ҳижрат қилмасин бадфеъллиги ўзи билан бирга бўлади. Ҳатто Макка, Мадинага ҳижрат қилса ҳам, у инсон шундайлигича қолаверади. Жой ўзгартириш билан табиат, феъл ўзгармайди, балки, бироз машаққат кўргач, янада ёмонлашиши мумкин.

Шунинг учун ҳақиқий муҳожир, қаерда бўлишидан қатъи назар Аллоҳ таъқиқлаган нарсаларни тарк эта олган кишидир. Куфр диёридан қутулиш ҳар вақт мумкин. Нафсини тоат-ибодатга йўналтирмақ, уни ёмон, гуноҳ амаллардан қутқармақ эса осон иш эмас. Боз устига нафс душманлиги кофир душманлигидан ҳам шиддатлироқ, чунки у инсондан ҳеч айрилмайди. Нафс бир нарсага кўникдими, осонгина ташлай олмайди. Масалан, энг оддийси – сигарет чекиш, ҳатто шуни ташлаш қанчалик оғир, ҳолбуки, унинг моддий ва маънавий зарарлари беҳисоб.

Ичкилик, ёлғон, қимор, хийла, ўғрилиқ, тарозидан уриш ҳам беҳад қабиҳ амал, гуноҳи кабирадир. Бу хусусда ҳазрат Имом Биргивий раҳматуллоҳи алайҳдан нақл этилган бир ривоятда: **"Аллоҳ таолонинг таъқиқларидан зарра миқдоричалик бўлса-да, бирортасини тарк этмақ еру осмон аҳлининг нафл ибодатларидан хайрлироқдир"** дейилади. Нақадар сермазмун ва ҳикматли сўз. Масалан, бир учқундан пайдо бўлган ёнғинларнинг жуда катта фалокатларга сабаб бўлгани барчага аён. Кемада пайдо бўлган бир тешикча туфайли ҳайбатли бир кема сувда ғарқ бўлиши мумкин. Шунга ўхшаб кичик гуноҳлар ҳам бир кишида тўпланиб қоладиган бўлса, уни ҳалок қилиши муқаррар. Чунки бу гуноҳлар иймонни хароб қилади. Аввало иймонни микроблар каби емириб заифлаштиради, охир-оқибат эса ўлдиради. Дарвоқе, иймон бир заифлашдими, уни йўлдан тойдириш осон бўлиб қолади. Мана шу жиҳатдан нафснинг душманлиги бошқа душманларга қараганда кўрқинчлироқдир.

Дунёдаги турли офату балолар ҳам Раббил оламиннинг лутфу эҳсонидир, бандасини ўзига қаратмақ ва илтижо эттирмақ учун бир василадир. Бало келмаса, банда йўлдан озади. Фиръавнлар, намрудларнинг йўлдан озишига асосий сабаб ҳам балога гирифтор бўлмаганликларидир. Шунинг учун машаққатлар, балолар банданинг Ҳаққа юзланишига, унга ёлвориб илтижо қилишига бир воситадир.

Гуноҳкорларнинг оҳу фиғонлари обидларнинг нафл ибодатларидан кўра Аллоҳга мақбулроқ, деган гаплар бор. Буни фақат ибодатнинг ўзига ишониб қолиш тўғри эмас, деб тушуниш керак. Чунки барчаси Аллоҳнинг лутфу эҳсони бўлиб, фақатгина бандасида тажаллий этган, холос.

Мўъминнинг қалби доим сергак бўлмоғи лозим. Ожизликни ҳис этиб, Ҳаққа ёлвориш, тавба қилиб, кўз ёши тўкиш бебаҳо хусусиятдир. **"Жаҳаннам оловини ҳеч нарса сўндиролмас, дарё-денгизларнинг суви қуйилса ҳам ўчиролмас, аммо Аллоҳдан кўрққан ҳолда кўзлардан тўкилган ҳақиқий кўз ёшлари уни сўндирар"**.

Намоз арконларини шошилиб бажарадиганлар, рукуъ ва сужудларни тўғри қилмайдиганлар намоз ўғриларидир. Товуқ дон чўқиганидек шоша-пиша намоз ўқийдилар. Айниқса, Рамазони шарифда таровихлардаги шошма-шошарлик иймоннинг заифлигидандир. Ҳолбуки, барча тақводор зотлар хатм билан намоз ўқишни ихтиёр этганлар. Ҳақнинг ҳузурда тик туриш нелигини билганлар, унинг завқига тўймай, узоқ турадилар. Аллоҳни яхши танимаган ғофиллар эса намозни апил-тапил бажариб, тезроқ қочишга ҳаракат қиладилар. Ҳушёр мўъминлар эса айрилмақни истамайдилар.

МЎЪМИН МЎЪМИНГА БИРОДАР

"Мусулмон мусулмоннинг биродаридир"⁴³.

Мўъминлар бир-бирларига биродардирлар. Уларнинг озод, қул, камбағал, бой, кекса ёки ёш бўлганликларида асло фарқ йўқ. **"Фақат мўъминларгина бир-бирлари билан биродардирлар"** ояти каримасининг шарофати ила бу биродарлик бир ота-она наслидан бўлган ака-укаликдан устун қўйилган. Зеро, ака-ука қариндошлиги дунёвийдир. Иймон ва Ислом биродарлиги эса ҳам дунёга, ҳам охиратга тааллуқлидир.

Ушбу ҳадиси шарифнинг нақл қилинишига қўйидаги воқеа сабаб бўлган экан. Ровий ҳазрати Ҳанзала разийаллоҳу анҳу Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни зиёрат қилмоқчи бўлибдилар. Воил ибн Ҳожар деган зотни ҳам ёнларига олибдилар. Йўлда Воил ибн Ҳожарнинг душманлари учраб, уни қўлга олмоқчи бўлибдилар. Шунда Ҳанзала: "У менинг биродарим" деб қасам ичибди. Душманлар унинг сўзига ишониб, Воилга тегмабдилар. Расулulloҳ ҳузурларига келгач, Ҳанзала ҳодисани баён этибди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: **"Тўғри айтибсизлар, мусулмон-мусулмонга ака-укадир"**, дебдилар.

Ҳадиснинг тўлиқ матни эса бундай: **"Мусулмон мусулмон учун ака-укадир. Унга зулм қилмайди, молини ноҳақ тортиб олмайди, Ҳаққини ҳам камайтирмай беради"⁴⁴ ...**

Мусулмон киши диндош биродарларига ёрдамни аямайди. Унинг қийинчилигини бартараф этишга, унга бошқа тарафлардан келадиган жабру зулмни қайтаришга ҳаракат қилади. Биродарларининг орасини ислоҳ этади, унга суяниганида ишончни оқлайди. Чунки мусулмонликнинг русуми шундай. Биродарини таҳқирламайди, унинг устидан кулмайди, истеҳзо этмайди. Зеро, у ҳам Аллоҳнинг бандаси. Уни ҳам Аллоҳ яратган. Аммо бир жиҳатдан заифроқ, фақирроқ.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам қалбларини кўрсатиб: **"Тақво шу ерда"** деганлар. Аллоҳдан кўрқиш куфр, ширк ва гуноҳлардан сақланиб, солиҳ амаллар қилишга воситадир. Ул зот яна кўксиларини кўрсатиб: **"Кишининг ёмонлигига мусулмон биродарини таҳқирлаши етарли далилдир"**, деганлар.

Исломда инсонни камбағал, мискин, кучсиз бўлганлиги учун ҳақоратлаш, ҳақир кўриш жуда ёмон одат ҳисобланади. Чунки ҳамма ҳам Аллоҳнинг бандаси. Фақат бирисини чиройлироқ, бойроқ, иккинчисини кучсизроқ, камбағалроқ яратган. Инсоннинг вазифаси биродарини таҳқирлаш эмас, балки унга ёрдам бериб, дуосини олишдир. Зеро, кўнгиллар нозик бўлади. Фақир мўъминлар ўз тақдирларига рози бўлганларидан Ҳақ наздида уларнинг қадр-қийматлари баланд. Дуолари ҳам мустажобдир. Севимли Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам Видо хутбасида бундай деганлар:

"Эй инсонлар! Шубҳасиз Раббингиз ягонадир. Отангиз ҳам бир. Яъни барчангиз Одам алайҳиссаломнинг авлодларисиз. Огоҳ бўлингизким, ҳеч бир арабнинг ажамдан, ажамнинг арабдан устунлиги йўқ. Қизил танлининг қора танлидан, қора танлининг қизил танлидан афзаллиги йўқ. Устунлик фақат тақводадир. Чунки Аллоҳнинг наздида энг мукаррамингиз тақводорроғинингиздир... (Хутба охирига қадар мўъмин-мусулмонларга насиҳат ва тавсиялар билан давом этган)".⁴⁵

Агар мусулмонлар мазкур ҳадисларга биноан ҳаракат қилсалар, номлари, шону шавкатлари дунё ва охиратда мангу қолади. Дунёда ҳам жаннатдаги каби яшаш мумкин бўлади. Бу фақатгина мусулмонлар учун эмас, бутун инсониятга дастур бўла оладиган қоидадир. Бу қоидага амал қилинганда биров-бировнинг ҳаққига хиёнат қилмаган бўларди. Бир-бирининг молига, жонига кўз олайтирмаган бўларди. "Унинг шунча мол-дунёси: иморатлари, уловлари,

⁴³ "Рамуз ал-аҳодис" 235\9, Ҳазрати Абу Ҳурайра ва Абдуллоҳ ибн Умар разийаллоҳу анҳумо ривоят қилганлар.

⁴⁴ "Ат-тарҳиб ват-тарҳиб", 3-жилд, 610-бет.

⁴⁵ "Ат-тарҳиб ват-тарҳиб" 3\612-613\9, Ҳазрати Жобир ибн Абдуллоҳ разийаллоҳу анҳу ривоят қилганлар.

ёзги ва қишки дала ҳовлилари бўлса, бу нима деган гап?! Бизда эса ҳеч нарса йўқ. Урайлик, синдирайлик, тортиб олайлик, биз ҳам роҳат-фароҳатда яшайлик", деган васвасалар хаёлга келмаган бўларди. Чунки қалбига иймон ўрнашган инсон, ҳамма нарсани берувчи Аллоҳ таоло эканини англаб, тақдирига тамомила рози бўлади.

Улуғларимиз тақвони таърифлаб бундай деганлар: *"Аллоҳдан қўрқмоқ, бу – сидқидилдан, тавозуъ билан амал қилмоқ, озга қаноат ва охиратга тайёр турмоқликдир"*.

Айни вақтда, мусулмонлар мол дунёнинг кўплигига қараб инсонларга баҳо бермайдилар. Чунки охират саодати дунёда манманлик қилмайдиган, фасод ишлардан сақланадиган зотлар учундир. **"Оқибат-натижа тақводорларникидир"** ояти каримаси бунинг ёрқин далилидир.

Азиз биродарим! Бу мулк Аллоҳ таолодан бошқасиники эмас. У ўз мулкида истаганича тасарруф этаверади. Унинг изни-иродаси бўлмаса, ҳеч нарса ўзгармаслигини ҳар бир соғлом ақл эгаси билади. Бизларни бу дунёга махлуқотларнинг энг карамлиси ва мавжудотларнинг энг шарафлиси қилиб келтирди. Бизга бу мулкдаги вазифаларимизни билдириш учун ҳузуридан бир илоҳий китоб, илоҳий қонунлар мажмуаси, бир дастур нозил қилди. Бизларга бу китоблардаги буйруқ ва таъқиқларни билдириш учун пайғамбарлар ҳам жўнатди.

Охирги пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломга туширилган Қуръони карим азимуш-шаъннинг ҳукмлари қиёматгача боқийдир. Ким бу китобни сидқу садоқат билан ўқиб-ўрганса, унинг амру наҳийларига амал қилса дунё ва охиратнинг абадий саодатига эришади... Аллоҳ таолонинг сўзлари жамланган бу мўътабар китобдаги сураларни ёд олган кишининг фазилати, шарафи ортади. Қуръонни тўғри ўқиёлмайдиган, бирон оят ёки сура ёд олмаган кишилар хароба бир уй кабидирлар. Уларнинг охиратлари ҳам шунга яраша бўлади. Бу гап билиб туриб амал қилмаганларга ҳам тааллуқли...

Қодир Аллоҳ барчамизни Қуръон ўқиб, унга амал қиладиган бандаларидан айлсин. Бизларни нафс, шайтон, шахват ва ўзи ёмон кўрган бандаларининг ёмонлигидан сақласин. Бизларни ўзи рози бўладиган амалларни бажариб, охиратга ҳам ўзи рози бўлган ҳолда борувчи бандалари қаторига қўшсин!

-37-

МЎЪМИНЛАРГА ЁРДАМ БЕРГАН КИШИ

***"Мусулмон мусулмонга биродардир. Мусулмон ўз биродарига зулм қилмайди, бошига мусибат тушганида уни тарк этмайди, уни ёлғиз ташлаб қўймайди. Кимки ўз биродарининг ҳожатини раво қилса, Аллоҳ унинг ҳожатини раво қилгайдир. Кимки мусулмон кишидан бир ҳам-ташвишни кетказса, Аллоҳ бунинг сабаби билан Қиёмат куни унинг ҳам-ташвишини кетказгай. Кимки мусулмон кишининг айбини ёпса, Аллоҳ таоло Қиёмат куни унинг айбини ёпгай"*⁴⁶.**

"Зубдат ул-Бухорий" асарида ўрин олган (№ 1083) мазкур ҳадиси шарифни ўқиган ҳар бир муслим дунёдаги барча мусулмонлар билан биродар эканини яхши англаб олади. Агар бу биродарликни англамаса, жиддий хатодир. Билса-да, лоқайдлик, сустлик қилаётган бўлса, бу ундан ҳам катта хатодир. Билиб туриб қилмаслик, билмасликдан ҳам ёмон. Ҳолбуки, бу биродарлик диний бўлгани учун туғишган биродарликдан ҳам муҳимроқ, устунроқдир. Зеро, бундай биродарлик абадий бўлиб, Аллоҳнинг розилигини қозонмоқ учун қилинган фидокорликдир. Туғишган биродарлик оилавий манфаатларга, наслга суянади. Аммо исломий биродарлик фақатгина холис Аллоҳ учундир. Бир-биридан манфаат кутмайди. Натижани охиратда Аллоҳдан кутишади. Шу боис, исломий биродарлик эътиборли ва афзалдир.

⁴⁶ "Рамуз ал-аҳодис" 235\8, Ҳазрати Ибн Умар разийаллоҳу анҳумо ривоят қилганлар.

МЎЪМИН МЎЪМИНДАН ИБРАТ ОЛАДИ

***"Мусулмон мусулмоннинг кўзгусидир. Агар унга қараса, ундан ибрат олади"*⁴⁷.**

Мусулмон мусулмон учун кўзгудир. Кўзгунинг вазифаси барчага маълум: инсоннинг ташқи кўринишидаги бутун гўзаллиги-ю хато камчиликларини тўла акс эттиради. Кўзгу ёрдамида инсон ўзидаги доғ ва қусурлардан воқиф бўлиб, уларни кетказишга ҳаракат қилади. Чунончи, шу ҳолатда инсонлар орасига киришдан уялади. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам сафарга чиқсалар, ёнларида кўзгу олиб юрар эдилар. Баъзида эса сувга қараб ҳам қиёфаларига бир разм солиб қўяр эдилар. Ул зот шул амаллари ила бизларга ҳам доимо усти бошимизни тоза ва чиройли тутмоқни тавсия этмоқдалар. Усти боши ифлос, соч-соқоли ифлос, тўзғиган кишиларни ул ҳазрат ёқтирмас эдилар.

Бу ҳол албатта зоҳирий бўлиши билан бирга, ботинга ҳам тааллуқлидир. Мўъмин-мусулмон киши нафақат биродарлари учун, балки бутун инсоният учун ҳам кўзгу ва намунадир.

Ўтмишда Хитой, Индонезия ва бошқа мамлакатлардаги инсонларнинг Исломга киришларига сабаб бўлган муҳтарам зотлар ҳақиқий кўзгулик сифатини намоён этганлар. Улар нуроний, қалби ва амали бир, тўғри, ҳалол, тақводор бўлиб, Аллоҳ таоло розилиги йўлида чекадиган ҳам-ташвишларни ҳеч нарсага алмашмайдиган инсонлар эди. Уларнинг гўзал хулқ ва хизматларини кўрган замондошлари уларга ҳавас қилиб мусулмон бўлишарди. Ҳатто Хитойда ҳам шундай ҳодиса рўй берган: икки саҳоба у ерларга савдо учун боришганда Хитой аҳли улардаги тўғрилиқ, ҳалоллик ва бошқа фазилатларни кўриб, Исломга шайдо бўлиб, меҳрлари тушиб, мусулмон бўлишган.

Ҳолбуки, миссионерлар қилаётган ҳар хил алдамчи ёрдамларга, тарғиб ва ташвиқларга алданмасдан, юзларида илоҳий нур порлайдиган, хулқларида гўзаллик сабабли миллионлаб кишилар иймонга келганлар. Бу ўша кунги мусулмон ота-боболаримизнинг нақадар соф, шаффоф бир кўзгу ва ҳақиқий биродар бўлганликларини кўрсатади. Лекин бугунги кунда бир оёғимиз қолдирган из иккинчи оёғимизга тўғри келмайдиган даражада тескари ҳаракат қилаётганимиз маълум.

Намозларимизга, рўзаю ҳаж ибодатларимизга қараб, мусулмон демоқдалар. Аммо муомала қисмига келганда, турли ёлғон, ҳийла, ваъдага вафосизлик, омонатга хиёнат, ҳасад, ғийбат ва ҳоказо амаллар содир этилаётганини кўриб, мусулмонлардан, Исломдан юз ўгирмоқдалар. Шундай экан, ҳар бир мусулмон ўзи содир этаётган нуқсонларни тузатмоғи лозим. Азизлик Аллоҳ ва мусулмонларга хосдир. Мусулмон киши эса ўзининг кўзгу эканини унутмаган ҳолда ана шу азизликка муносиб амаллар қилиши керак.

МЎЪМИН МУРОСАГҲЎДИР

***"Албатта, Аллоҳ аzza ва жалла менга фарз амалларни бажаришни буюргани каби, инсонлар билан мурсою мадора қилмоқни ҳам буюргандир"*⁴⁸.**

Бугун бир имонсизга: "Кел, сен ҳам мусулмон бўл!" – деб фахр билан дадил айта олмаймиз. Чунки мусулмонликнинг чўққисига, мағзи-моҳиятига ҳануз ўзимиз етолмаганимиздан, бошқаларга сўз айта олишга жасоратимиз бўлмапти. Албатта, биз ҳаракат қилмасак ҳам, мусулмонликнинг нурлари атрофга ёйилаверади. Кўряпсизки, гуруҳ-гуруҳ одамлар мусулмонликка тўғри, беихтиёр юрмоқдалар. Буни ҳеч кимса тўса олмас.

Аммо бугун кўряпсизки, иймонимизнинг заифлиги туфайли динимизни бой беряпмиз. Бу ҳолни бир кўзидай тилсиз, чурқ этмай томоша қиляпмиз-у, оғзимизни очиб: "Бу не ҳол?"

⁴⁷ "Жоми ас-сағир" 2\159, Ҳазрати Абу Ҳурайра разийаллоҳу анҳу ривоят этганлар.

⁴⁸ "Рамуз ал-аҳодис" 87\2, Ҳазрати Оиша онамиз разийаллоҳу анҳо ривоят қилганлар.

дейдиган бир мард мусулмон чиқмаяпти. Қийин аҳволда қолган мусулмонларнинг ёрдамига нечта мусулмон интилди? Э воҳ! Бугун гап-сўздагина мусулмонмиз, холос. Қилаётган амалларимизга бир қараб кўрайликчи, қай бири мусулмонликка мувофиқ келаётган экан. Ана аёллардаги яланғоч ҳолат! Агар у сенинг яқининг бўлса, сен қандай қилиб бу ҳолга рози бўлмоқдасан! Яқининг бўлмаса, "Бу менинг опам ё синглим эмас" десанг, чин мусулмон эмассан... Ана маориф соҳасини олайлик: боланга диний тарбия бердингми? Аллоҳни танитдингми, пайғамбарни севдингми, ибодатларини ўргатдингми? Йўқ, фақат уларнинг дунёда келажакларини таъминлаш учун қилган фидокорликлар билан ўзингни маънавий масъулиятдан қутқара олармикансан?

Бу ҳадиси шарифнинг давомида яна шундай бир ибора борки, ҳаммамиз учун диққатга сазовор. Инсон ўз иши, тижорати, касб-кори учун қандай ҳимоячи бўлса, биродарининг ишларига ҳам, хоҳ у савдо-сотик, хоҳ зироат, нима касб бўлишидан қатъи назар, худди ўз ишига бўлганидек ва ҳатто яна ҳам диққатли, зийрак бўлиб кузатиш, уни зарар ва зиёндан, хато йўлдан ҳимоя қилиш, диний биродарлигининг илк вазифаси ҳисобланади. Мўъмин киши қанча бефарқ бўлса, дину диёнатга, мусулмонликка шунча зарар етади. Бир киши мусулмон бўлса-ю, ўз биродарига бефарқ бўлса, бу нақадар ёмон иллат. Ахир, бундай бўлиши мумкин эмас. Бундайларнинг ё иймони йўқ ё бошқаларнинг ёрдамига муҳтож бир бемордай. Бошқача бўлиши ҳақиқатдан узоқ нарса.

Азиз биродар! Бу ҳадиси шарифлар бизга чиройли сабоқлар, ўғитлар бермоқда, англатмоқдаки, мусулмонларнинг ҳаммаси бир тан, бир жон экан. Шу боисдан ҳам жуда самимий, қонунларга мувофиқ бир шаклда мусулоонларга ёрдам сандиғи – жамғармаларини барпо этиш керак. Христианларда юзлаб бундай жамғармалар, ёрдам ташкилотлари бор. Бир мусулмон фақир бўлган ака-укасига, ошна-оғайнисига ёрдам бергиси келади, лекин ўзи фақир, камбағал. Ич-ичидан изтироб чекади, қаттиқ қайғуради. Аммо бечоранинг қўлидан нима ҳам келарди? Бироқ мусулмонлар, жамият ўлароқ кўп нарсалар қилишлари мумкин. Файратлари ва ҳимматларига мувофиқ ҳузур-ҳаловат ва саодатга эга бўладилар.

Қаранг, бошқа қавмларни, ғайридинларни кўрмаяпсизми? Улардан биронтасини кўчада қўл чўзиб тиланиб турганини кўрдингизми? Йўқ, чунки уларнинг жамияти, ўзаро ҳамжиҳатлик ташкилотлари мавжуд бўлиб, улар энг аввало ўз қавмдошларига лойиқ, қобилиятига яраша бир иш билан таъминлашга ҳаракат қилишади. Бунга муваффақ бўлмаса, ҳолбуки бу улар учун жуда ҳам кам учрайдиган ҳолат, у ҳолда ташкилотнинг ёрдам сандиғи унинг тирикчилигига керакли, етарли миқдорни беради. Тиланишлигига йўл қўйишмайди.

Биз учун айб эмасми, шундай муҳтож бир дин биродаримизни ўз ҳолига ташлаб қўямиз, меҳр-мурувват кўрсатмаймиз. Хоҳласа, тиланчилик қилсин, хоҳласа ўлсин, нима ишим бор, деймиз... Мана шу бефарқлигимиз, лоқайдлигимиз сабабидан ҳар куни, ақлу фикрга, хаёлга ҳам келмайдиган турли ҳодисалар рўй бермоқда. Бу ҳодисаларнинг чораси осон эмас. Жуда мушкул. Ҳолбуки, бу ҳодисаларнинг нима учун, нима сабабдан юзага келганини аниқлайдиган бўлсак, бу ҳақда ўйлаб кўрсак, қабоҳат, айб ва қусурнинг уларда эмаслиги, бу ҳолга мусулмонларнинг ҳаммалари сабаб бўлгани маълум бўлади-қолади. Чунки мусулмонликда:

"Биродарининг, қўшнисининг оч эканлигини билиб туриб, ўзи эса тўқ ҳолда ётиб тонг орттирган одам ҳақиқий мусулмон эмас"⁴⁹ дейилган. Бироз фикр юритайлик. Бу нима дегани? Очлик сўфийликни бузади, дейишади. Бугун оч бўлиб, дардини кимсага айтолмаган ва ҳеч кимга зарари тегмай ўладиган нечта киши бўлиши мумкин? Тўғри, сабрли бўлиш керак, қаноаткор бўлиш лозим, аммо бой ва ўзига тўқлар ҳам инсоф қилиб, исрофдан тийилиши лозим. Мусулмоннинг гуноҳ ишларга беҳисоб пуллар сарфлагунча, заифу бечораларга, фақиру миксинларга ёрдамга шошилиши яхши эмасми? Шубҳасиз, инсонларнинг кўзлари бой кишининг тўкин-сочин, исроф қилаётган хатти-ҳаракатларида бўлади. Фақирларнинг назаридан бу нарса махфий қолмайди. Ана ўшанда ҳасад, кин, ўғрилик каби

⁴⁹ "Жоми ас-сағир" 2\120; "Рамуз ал-аҳодис" 369\2, ҳазрати Анас ибн Молик разийаллоҳу анҳу ривоят қилганлар.

ярамас ҳоллар рўй беради. Буларни жазолаш билан бу ишларнинг олдини олиб бўлмаслигини неча йиллардан буён қилинган тажрибалар яққол кўрсатиб турибди.

Ҳақ таоло ўғрининг қўлини кесишликка буюрган. Бу, табиийки, жуда ҳам адолатли ва шармандали жазо – ҳам қўлсиз қолади, ҳам то ўлгунича жамият ичида ўғри деган дашном остида яшайди. Тўғри, бу билан ўғрилиқнинг олди олинади, аммо у одамни гуноҳ қилишга мажбур этган ва бу ҳолга келтирган мусулмон жамиятининг бу борада бирор айби йўқми? У бечоранинг қўли нима учун кесилган? Оч қолган бўлса, айб фақат ундами? Ёки унинг шу ҳолга келишига сабаб бўлган мусулмонлардами?

Албатта, мусулмонлар ҳам айбдор. Ўғрилиқ қилганида унинг қўли кесилади. Аммо унинг қўлини кесилдиган ҳолатга келтирган мусулмонларни нима қиламиз? У бу ўғрилиқни ишсиз қолганидан ва ё оч қолганидан қилгандир. Шу тахлит, ўғрилиқни бир касб-ҳунар қилиб олгандир.

Бундайларни қидириб топиш ва илм, одоб, касб-кор ўргатиш, бирор иш билан таъминлаш керак экан, сен буларни хаёлингга ҳам келтирмай, завқу сафодан, кайф қилиб юришдан, исрофгарчилик кўчаларида тентирашдан тўхтамайсан. Ёзда ёзлоқ далаҳовли, курорт, пляж ва ҳоказода, қишда эса бошқа дабдабали, қулай уй-жойингда яшаб, хилма-хил автомобилларда сайру саёҳат қилиб, бечора фақир-фуқароларнинг қўли кесилар экан, баттар бўлсин десанг, шу ишинг мусулмонликми?

Биродар, ахир сен мусулмонлик вазифангни бажарганинда, унинг қўли эҳтимол кесилмас эди! Бурчингни адо қилмаганиндан кейин у жинойтга қўл урса, "Унинг қўлини ҳам кес, оёғини ҳам кес, оламга ибрат бўлсин", дея рози бўласан. Бироқ сен ўз вазифангни адо этмаганинг учун сенга қандай жазо берилишини ҳам бир ўйлаб кўр. Ўзингга ўзинг ҳукм қил...

- 40 -

АФЗАЛЛИК - АЛЛОҲДАН ҚЎРҚИШДА

"Мусулмонлар биродардирлар, лекин бир-бирларидан фақат тақво билангина афзалдирлар"⁵⁰.

Бу ҳадиси шариф ҳам биз учун жуда қийматлидир. Барча мўъминларни биродар қилган мусулмонликдир. Зеро, Ислом жамияти ва Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазратларининг сулҳ байроғи остида биродорона, иттифоқ бўлиб, бирлашган бу исломий жамоага - иймон йўлида ҳамжиҳат бўлганлари учун – биродар деган номни Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг ўзи берган. Бу лутф ва эҳсоннинг қийматини баҳолаш мумкинми?

Бир-бирларига ўхшаган икки нарса орасида биродар номи ишлатилади. Бир-бирларига қанчалик ўхшаштилар, худди ака-укадай биродардирлар, дейилгани каби... Шунинг учун ҳақиқий биродар табиатда, раъйда, фикрда, завқда ва шу каби жиҳатларда сенга қўшилган, ҳамфикр бўлган инсондир. Аксинча, бир онадан туғилган ака-укалар, бир оила фарзандлари бўлсалар ҳам тутган йўллари, фикрлари ва мақсадлари турлича бўлгани сабабли ҳақиқий биродар бўлишдан узоқдирлар. Баъзан бир оз манфаатларига халал етса, дарҳол айриладилар, тўс-тўполон кўтардилар. Балки юз кўрмас бўлиб, бу дунёдан кўз юмиб кетадилар. Шу биродарликми?!

Мусулмонликда биродарлик дейилганда, тўғридан-тўғри дин биродарлиги, охират биродарлиги кўз олдимишга келади. Имом Ғаззолийнинг "Ихёу улумид-дин" асаридаги биродарлик бўлими бошдан оёқ алоҳида бир дарс, бутун инсониятга сабоқ, ибратдир. Инсонлар агар мана шундай бир биродарлик қила олсалар эди, дунёдаги саодатларига тўйиб бўлмасди. Шунда инсонлар дунёдан охиратга кўчсалар ҳам номлари қиёматгача боқий қолур эди. Мана шундай бўла олганларга дунёдаги барча жонзотлар, ҳатто фаришталар ҳам ҳайрон бўлар ва суқланиб ҳавас қилган бўларди.

⁵⁰"Рамуз ал-аҳодис" 236\1, Муҳаммад ибн Ҳабиб ал-Харрош отасидан разийаллоҳу анҳумо ривоят қилганлар.

Мусулмон биродарлигида билимли, бой бўлган бир инсон устунман деб даъво қилишга, ўзини катта тутишга ҳеч ҳаққи йўқ. Зеро, у ҳолда, мусулмонлар орасида бўлиниш бошланади, бирлик, биродарлик иплари узилади ва Исломиётдаги биродарлик ҳикматлари йўқолади. Масалан, қўмондон ҳар қанча моҳир бўлса ҳам, унинг режасини амалда тадбиқ қилувчи қўл остидаги аскарлардир. Бирининг билими, заковати бор бўлса, қолганларининг ғайрату шижоати, мардлиги бор. Агар қўмондон: "Шунчалик билим ва қувват эгасиманки, менинг юз минг кишилиқ қудратим бор" деса, ҳеч ким унинг гапига қулоқ солмайди. Сўзи эътиборсиз қолади. Унга: "Сиз ҳам бошқалар каби бир инсон қувватига эгасиз"- дейишади, холос.

Бу эса Ҳақ таолонинг Қуръони каримида марҳамат қилгани каби: **"Албатта сизларнинг Оллоҳ наздидаги энг ҳурматлироғингиз тақводорроғингиздир"** оятида ифодасини топгандир. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазратлари ҳам шу боис: **"Устунлик фақат тақводадир"** деганлар. Бу жуда ҳам муҳим. Чунки тақво бизга маълум эмас. Унинг жойи қалбдир. Бинобарин, ҳеч бир муттақий учун бир мусулмонни хор-ҳақир кўриш жоиз бўлмайди. Қандай қилиб таҳқир қила оладик, ахир, охирги нафасда ўзининг ҳоли нима кечишини билмайди! Ўз ҳолини билмагани каби, ўзганинг ҳам охирги нафаси қандай бўлиши маълум эмас.

Шундай экан, бошқа кимсани ҳақорат қила кўрманг. Оқибатимизнинг қандай бўлиши ҳаммамизга қоронғу, номаълум. Дунёвий бойлик ёки билимга алданиб, бошқа фақир ва авом инсонларни менсимасликдай нодонларча бир хатти-ҳаракат Исломда йўқ. Чунки бутун махлуқоту мавжудотни яратган Аллоҳдир. Қай бирини бой, қай бирини фақир, қай бирини олим, қай бирини эса жоҳил қилиб яратган. Буларнинг барчаларининг алоҳида-алоҳида хизматлари бор. Дунёга бир қарасак: кўп қисми сув, оз қисми қуруқлик; бир қисми тоғу тош, бир қисми жарлик, чуқурлик, ўпқон; бошқа бир қисми эса тақир чўл – ҳеч нарса битмас, кўкармас, қақроқ жой. Ернинг ости эса алоҳида олам. Баъзи ерида кўмир, баъзи ерида газ, баъзисида олтин, платина, кумуш ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммаси бир хил нарса бўлганида қандоқ бўларди? Йўқ. Чунки бизларнинг билганимиз ва ҳатто биз билмаганимиз бир қанча маъданларнинг ҳаммаси ҳам дунё ҳаёти учун зарур эҳтиёждир. Бу ҳақиқатни инкор қилиш мумкинми?

Мана шунинг учун ҳам соғлом ақлли бир мусулмон бу ҳақиқатларни обдон ўйлаб, яратган Аллоҳга шаксиз-шубҳасиз таслим бўлиши зарур. Мўъминликнинг, мусулмонликнинг шукрини келтириб, қадрига етиши керак. Мўъмин-мусулмон биродарларига ҳар қандай вазиятда ўз бурчи сифатида моддий ва маънавий ёрдам бериши лозим.

Аллоҳ мўъминларни илми, ахлоқли, ихлосли, ҳимматли, яхшиликларга интилувчи, ёмонликлардан сақланувчи, биродарларига ёрдам берувчилардан айласин. Омин. Валҳамду лиллаҳи раббил оламин.